БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 174 (921)

31 АВГУСТ ШАНБА 1957 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН

БУГУНГИ СОНДА:

Улуғ Октябрнинг 40 йиллиги шарафига (1-бет).

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бериш ва ҳарид қилиш юзасидан Қорасув район қишлоқ хўжалик ходимларининг социалистик мажбуриятлари (1-бет).

СССР ёзувчилар союзида (1-бет).

Кекса большевиклар ишчилар билан учрашмоқдалар (1-бет).

Савдо ходимлари активининг республика кенгаши (2-бет).

Ғўза парваришини пахта йиғимтерими бошлангунча давом эттирайлик! Ш. Кузанбоев. — Ғўза тупларида мажбуриятни қоплайдиган ҳосил бўлсин (2-бет).

УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 40 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН: **Тошкентнинг шимолий саноат зонасида** (3-бет).

З. Исроилов. — Кўркам шаҳарча (3-бет).

Ўқитувчиларнинг август кенгашлари (4-бет).

КХДР Олий халқ мажлисига бўлган сайловларнинг якунлари (4-бет).

Венгрия Халқ Республикасининг ҳукумат делегацияси Қоҳирага келди (4-бет).

Плевна озод қилинган кунининг 80 йиллиги муносабати билан тантаналар (4-бет).

Қоҳирадаги Яман миссияси вакилининг айтганлари (4-бет).

Л. Вольнов. — Малайя мустақиллигининг эълон қилиниши (4-бет).

Ғўза парваришини қизғин давом эттириб, янада кўпроқ ҳосил тўплайлик

Областимизнинг колхозчилари, совхоз ва МТС ходимлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари бу йил зўр ғайрат билан фидокорона меҳнат қилиб пахтадан мўл ҳосил етиштирдилар. Пахтакорларимиз йил бўйи қилган ҳалол ва фидокорона меҳнатларининг мевасини — колхоз ва совхозларимизнинг поёнсиз далаларида яшнаб турган серҳосил ғўзаларни кўриб қувонмоқдалар. Бутун совет халқи каби областимиз қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари ҳам Улуғ Октябрь социалистик революциясининг шонли 40 йиллик байрамини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олишга тайёрланмоқдалар, улуғ айём кунини пахта тайёрлаш давлат планини бажариш билан нишонлаш ниятиёқида яшамоқдалар. Илғор пахтакорлар ҳозирги ғанимат кунларни қўлдан бой бермай, ғўза парваришини қизғин давом эттириб, ҳар бир туп ғўзада олинган социалистик мажбуриятни қоплайдиган даражада мўл ҳосил тўплаш учун курашмоқдалар.

Яқинда мусобақадош Андижон область пахтакорларининг ўзаро текшириш бригадаси областнинг колхоз ва совхозларида бўлиб, беш кун мобайнида пахтадан мўл ҳосил етиштириш юзасидан тузилган социалистик мусобақа шартномасининг қандай бажарилаётганлигини текширишдан ўтказди. Ўзаро текшириш бригадасининг аъзолари бу йилги об-ҳаво қийинчиликлари ва сув танқислигига қарамай Тошкент областининг пахтакорлари асосий майдонларда пахтадан мўл ҳосил етиштиришга муваффақ бўлганликларини қайд қилдилар, Оржоникидзе, Верхне-волинск, Ўрта Чирчиқ, Юқори Чирчиқ районларининг колхозларида ғўза яхши авж олаётганлигини, ҳосилга яна ҳосил қўшиш юзасидан шу кунларда муҳим агротехника тадбирлари амалга оширилаётганлигини кўрсатиб ўтдилар. Шу билан бирга областнинг Чиноз, Бўка, Октябрь, Пискент, Гулистон каби бир қатор районларида ғўза парвариши юзасидан олиб борилаётган ишлар анча бўшаштириб юборилганлигини, меҳнатга қобилиятли колхозчилар ва от-улов кучлари дала ишларига тўла жалб қилинмаганлигини, шунинг натижасида областда ҳали 40 минг гектарга яқин ерда ғўзанинг ўсиши паст эканлигини қаттиқ танқид қилдилар.

Очиқ эътироф қилиш керакки, шу кунларда пахта далаларида олиб борилаётган ишнинг суръати ва сифати бизни асло қаноатлантира олмайди. Баъзи бир колхозларнинг раҳбарлари терим пайти яқинлашиб қолди деб ғўза парваришини бутунлай ташлаб юборганлар, ҳотиржамликка берилиб, ҳосилга-ҳосил қўшишда ҳал қилувчи давр ҳисобланган ҳозирги ғанимат кунларни бекорга ўтказмоқдалар. Масалан, Чиноз районидаги Ворошилов номли, Шверник номли, Бўка районидаги «Ленинизм», «XX партсъезд», Мичурин номли ва Жамбул номли, Оққўрғон районидаги Карл Маркс номли ва Охунбобоев номли, Гулистон районидаги Свердлов номли ва Ленин номли колхозларда ана шундай кайфият ҳукм сурмоқда. Бироқ бу зарарли кайфиятнинг олди олинмаётир, ишга яроқли барча колхозчиларни ва от-улов кучларини ғўза парваришига тўла жалб қилолмаган бепарво раҳбарларнинг нотўғри хатти-ҳаракатларига кескин зарба берилмаётир.

Пахтадан мўл ҳосил етиштиришда ғўзани агротехника қоидаларига амал қилиб ўз вақтида суғориш жуда катта аҳамиятга эгадир. Лекин Сирдарё, Мирзачўл, Гулистон ва Боёвут районларидаги кўпчилик колхозларда суғориш қоидалари бузилмоқда, айрим жойларда ғўза чанқатиб қўйилса, баъзи бир жойларда бостириб суғорилмоқда. Чиноз районининг бир қатор колхозларида, 1-«Оҳангарон» ва «Малик» совхозларида ҳали бегона ўтлардан тозаланмаган ғўзалар бор. Чиноз районининг раҳбарлари (район партия комитетининг секретари Солимуҳамедов, райижроком раиси Қолдибоев ўртоқлар) қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилиш савиясини яхшилаш, ўтган йили йўл қўйилган хатолардан тегишли хулоса чиқариб, ғўза парваришидаги қолоқликни тезликда тугатиш ва ҳосилга ҳосил қўшиш тадбирларини кўриш ўрнига, ўзларини хотиржам тутмоқдалар, ишни барбод қилаётган колхоз раҳбарлари билан келишувчилик қилиб келмоқдалар.

Қуруқ ваъдабозлик, хотиржамлик ва тантанабозлик билан пахтадан мўл ҳосил етиштириб бўлмайди. Пахта жуда кўп куч, ғайрат ва шижоатни талаб қилади. Ҳосилга-ҳосил қўшадиган август ойи тугаб, сентябрга қадам қўймоқдамиз. Бу йилги шароитда ғўза парваришини 10-15 сентябргача давом эттириб, ҳосилга бемалол янада кўпроқ ҳосил қўшиб олиш мумкин. Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, уста пахтакорлар ғўзани сентябрь ойида ҳам табақалаштирган ҳолда парвариш қилиб, ўрта ҳисобда гектаридан 3-5 центнердан қўшимча ҳосил олишга эришмоқдалар.

Ғўза парваришини яна 10-15 кун бўшаштирмай қизғин давом эттириш, ҳар бир туп ғўзада социалистик мажбуриятни қоплайдиган даражада мўл ҳосил тўплаш — пахтакор ва механизаторларимизнинг шу кеча-кундуздаги энг муҳим вазифасидир. Шунга эришиш керакки, колхоз ва совхозлардаги ҳар бир карта яна бирма-бир кўриб чиқилсин, ғўзаси паст участкаларда парвариш қучайтирилсин, бегона ўтдан бутунлай тозаланмаган, яхши чопиқ қилинмаган, қониб сув ичмаган ва озиқлантирилмаган бironта туп ғўза қолмасин. Бу ишда агрономлар, қишлоқ хўжалик мутахассислари ва бригада, звено бошлиқлари етакчи роль ўйнашлари, ташкилотчилик ва ташаббус кўрсатишлари лозим.

Ғўза парваришида ишнинг муваффақиятини жонли кишилар, от-улов кучлари ва техника ҳал қилади. Шунинг учун ишга яроқли барча кишиларни, бутун куч ва моддий-техника воситаларини ғўза парваришини янада кучайтириб кўпроқ ҳосил тўплашга, паст ғўзаларни бўлиқ ғўзаларга етказиб олишга, мамлакатга бу йил 500 минг тонна пахта етказиб бериш юзасидан олинган юксак социалистик мажбуриятнинг сўзсиз бажарилишини таъминлайдиган ҳосил етилтиришга сафарбар этиш керак. Партия ва ҳукуматимиз маҳаллий партия, совет ташкилотларидан ана шуни талаб қилади.

Ўзбекистан ССР Олий Совети Президиумида

Маҳаллий совет ва хўжалик органларнинг ҳуқуқлари кенгайтирилганлиги, саноат ва қурилишни бошқаришнинг қайта қурилганлиги хатижасида янги шароит вужудга келганлиги муносабати билан, шунингдек Ҳукумат қарорларининг бажарилишини текширишни кучайтириш мақсадида ЎзССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Совет Контроли комиссиясини тузди, шу муносабат билан Ўзбекистон ССР Давлат контроли министрлигини тугатди.

Совет контроли комиссияси зиммасига ҳукуматнинг халқ хўжалигига доир энг муҳим масалалар юзасидан чиқарган қарорларининг амалда бажарилишини Ҳукумат номидан текшириш, давлат аппаратининг структурасини ва унинг иши масалаларини ўрганиш, қатъий тежаш режимининг ўтказилишини, пул маблағлари ва материал бойликларининг мақсадга мувофиқ сарфланишини контроль қилиб туриш вазифаси юклатилади. Совет контроли органлари умум давлат манфаатларига хилоф бўлган бошқармачилиқ ва маҳаллийчилик кўринишлари юз берган тақдирда уларни бартараф қилишга ёрдам беришлари ҳамда бюрократизм ва сансалорликка қарши актив кураш олиб боришлари лозим. Совет контроли комиссияси контроль соҳасидаги ўз ишини бу ишга ишчилар, колхозчилар ва хизматчилар кенг оммасини жалб этиб, меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларининг ҳамда жамоат ташкилотларининг ёрдамига таяниб олиб борали.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Ўзбекистон ССР Министрлар Советига Совет Контроли комиссияси тўғрисидаги Низомни қараб чиқиш ва тасдиқлашни топширди.

ҚИРҒИЗИСТОНДА ПАХТА ТЕРИМИ БОШЛАНДИ

ФРУНЗЕ, 29 август. (ТАСС). Республиканинг жанубида пахта ялпи очила бошлади. Қирғизистон пахтакорлари Улуғ Октябрнинг қирқ йиллигини нишонлаш юзасидан Ватанга 1 миллион 660 минг центнер пахта беришга қарор қилдилар. Бу йил об-ҳавонинг ноқулай келганлигига қарамай, ҳамма ерда ҳам ўтган йилдагидан яхшироқ ҳосил етиштирилди. Кўп участкаларда ҳар бир туп ғўзада 20 тагача тўқ кўсак бор.

Колхозчилар ва механизаторлар ҳосил терими билан бир қаторда ҳосил тўплашни зўр ғайрат билан давом эттирмоқдалар. Пахта очилиши кечикаётган участкаларда табақалаштирилган агротехника қўлланилиб, трактор культивацияси ўтказилмоқда, ғўзалар барг орқали озиқлантирилмоқда.

УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 40 ЙИЛЛИГИ ШАРАФИГА

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бериш ва ҳарид қилиш юзасидан Қорасув район қишлоқ хўжалик ходимларининг социалистик МАЖБУРИЯТИ

Улуғ Октябрнинг шонли 40 йиллигини муносиб кутиб олиш учун курашиб, Қорасув район қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилган ҳолда қишлоқ хўжалигини юксалтириш, чорвачиликни ривожлантириш учун астойдил курашмоқдалар. Район колхозлари давлатга сут етказиб бериш ва ҳарид қилиш йиллик планини муддатидан илгари 142 процент қилиб бажардилар. Яъни ўтган йилдагига қараганда 936 центнер кўп сут топширилди. Районда жун тайёрлаш 100 процент, тухум тайёрлаш 100 процент қилиб адо этилди.

Колхозчилар, механизаторлар ўз ички имкониятларини ҳисобдаб чиқиб барча қишлоқ хўжалик экинларини тезликда тугатиш ва ҳосилга ҳосил қўшиш тадбирларини кўриш ўрнига, ўзларини хотиржам тутмоқдалар, ишни барбод қилаётган колхоз раҳбарлари билан келишувчилик қилиб келмоқдалар.

Қуруқ ваъдабозлик, хотиржамлик ва тантанабозлик билан пахтадан мўл ҳосил етиштириб бўлмайди. Пахта жуда кўп куч, ғайрат ва шижоатни талаб қилади. Ҳосилга-ҳосил қўшадиган август ойи тугаб, сентябрга қадам қўймоқдамиз. Бу йилги шароитда ғўза парваришини 10-15 сентябргача давом эттириб, ҳосилга бемалол янада кўпроқ ҳосил қўшиб олиш мумкин. Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, уста пахтакорлар ғўзани сентябрь ойида ҳам табақалаштирган ҳолда парвариш қилиб, ўрта ҳисобда гектаридан 3-5 центнердан қўшимча ҳосил олишга эришмоқдалар.

Ғўза парваришини яна 10-15 кун бўшаштирмай қизғин давом эттириш, ҳар бир туп ғўзада социалистик мажбуриятни қоплайдиган даражада мўл ҳосил тўплаш — пахтакор ва механизаторларимизнинг шу кеча-кундуздаги энг муҳим вазифасидир. Шунга эришиш керакки, колхоз ва совхозлардаги ҳар бир карта яна бирма-бир кўриб чиқилсин, ғўзаси паст участкаларда парвариш қучайтирилсин, бегона ўтдан бутунлай тозаланмаган, яхши чопиқ қилинмаган, қониб сув ичмаган ва озиқлантирилмаган бironта туп ғўза қолмасин. Бу ишда агрономлар, қишлоқ хўжалик мутахассислари ва бригада, звено бошлиқлари етакчи роль ўйнашлари, ташкилотчилик ва ташаббус кўрсатишлари лозим.

Ғўза парваришида ишнинг муваффақиятини жонли кишилар, от-улов кучлари ва техника ҳал қилади. Шунинг учун ишга яроқли барча кишиларни, бутун куч ва моддий-техника воситаларини ғўза парваришини янада кучайтириб кўпроқ ҳосил тўплашга, паст ғўзаларни бўлиқ ғўзаларга етказиб олишга, мамлакатга бу йил 500 минг тонна пахта етказиб бериш юзасидан олинган юксак социалистик мажбуриятнинг сўзсиз бажарилишини таъминлайдиган ҳосил етилтиришга сафарбар этиш керак. Партия ва ҳукуматимиз маҳаллий партия, совет ташкилотларидан ана шуни талаб қилади.

Давлатга барча сабзавот экинлари бўйича 79700 центнер маҳсулот етказиб бериш ва ҳарид қилишни 10 сентябргача, пландан ташқари 25 минг центнер маҳсулот етказиб беришни эса 5 ноябргача бажаришга қарор қилинди; 16500 центнер картошка етказиб бериш планини 5 ноябргача бажариш, шу муддатгача 3500 центнер картошка ҳарид қилиш мўлжалланди.

Айрим колхозлар планга қўшимча равишда картошка ва сабзавот етказиб бериш мажбуриятини олдилар. Жумладан:

Ленин номли колхоз 700 тонна, Свердлов номли колхоз 550 тонна, «XVIII партсъезд» колхози 238 тонна, Максим Горький номли колхоз 245 тонна, Хрушчев номли колхоз 218 тонна.

Колхозчилар, механизаторлар шу олинган мажбуриятни шараф билан бажариш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар. 20 августгача ҳар бир сигирдан пландаги 2120 килограмм ҳисобидан 1808 килограммдан сут соғиб олинди. Пландаги 10800 тонна ўрнига ҳозиргача 8000 тонна силос бостирилди.

Улуғ Октябрнинг 40 йиллигигача барча ерлар шудгор қилиб қўйилади, кузги пиёз экиб бўлинади, кечки картошка ва сабзавот ҳосили тўла йиғиштириб олинади.

Райондаги барча колхозларнинг аъзолари ва МТС механизаторлари зўр ғайрат билан фидокорона меҳнат қилиб, ўз олдиларига қўйилган вазифани муваффақиятли бажариш учун астойдил курашмоқдалар.

А. АКРАМОВ — район партия комитетининг секретари, М. ЁҚУБОВА — район ижроия комитетининг раиси, К. ШАМАЕВ — МТС директори, Т. НОРМУҲАМЕДОВ — Ленин номли колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, М. ИСМОИЛОВ — Свердлов номли колхоз раиси, М. ИСМОИЛОВ — Ворошилов номли колхоз раиси, Р. ПУЛАТОВ — «XVIII партсъезд» колхозининг раиси, А. ЗИЁЕВ, — Хрушчев номли колхознинг раиси, А. АБДУХОЛИҚОВ — М. Горький номли колхознинг раиси, Қ. БАДАЛОВ — Калинин номли колхознинг раиси, М. КОМОЛОВ — Жданов номли колхознинг раиси, Ф. ЗИЁМУҲАМЕДОВ — «Коминтерн» колхозининг раиси, Ж. АТАКАЕВ — Сталин номли колхознинг раиси.

Ем-хашак тайёрлаш ва силос бостириш суръатини кучайтирайлик

Бу йил табиий пичанзорларда ўт яхши ўсмади. Демак, узоқ яйловлардаги чорва моллари қишловига нухта тайёрланиш—ҳар қандай йўл билан бўлса ҳам етарли миқдорда ем-хашак тайёрлаб қўйиш энг муҳим вазифадир. Шуни тўла ҳис қилган жойларда барча тадбирлар ишга солинган ҳолда кўплаб пичан гамлаш учун курашилаётир. Илғор колхоз ва совхозлар қишлоқ чекка-ларидаги катта-кичик ариқлар, каналлар бўйидаги ўтларни ўриб олиб пичанга босмоқдалар. Қўйчиликни ривожлантириш учун курашаётган жойларда қўшимча ем-хашак тариқасида янтоқ ўрилиб тўпланаётир.

Маълумки, чорва молларга айниқса қўлда боқилаётган молларга едиришда маккажўхори ва бошқа экинлар поясидан босилган силос ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Сигирлардан кўплаб сут соғиб олаётган, молларни семиритириб боқаётган колхоз, совхозлар иши билан танишилганда шу жойларда асосий озиқ силос эканлигини, бунинг учун астойдил кураш олиб борилаётганлиги яққол сезилади. Калинин районидаги Ворошилов номли, Сталин номли, Янгийўл районидаги «Коммунизм» ва Сталин номли, Қорасув районидаги Свердлов номли, Ленин номли, Тошкент районидаги Ленин номли ва бошқа жуда кўп илғор колхозлар ҳар йили ҳам маккажўхори экиб бу экинлардан мўл ҳосил етиштирадилар ҳамда ҳар бир сигир учун 8-10 тоннадан силос бостирадилар. Сигирлар ширали силос билан боқилаётгани учун ўз этини йўқотмай кўп сут бермоқда.

Янгийўл районидаги Сталин номли колхознинг ем-хашак тайёрлаш соҳасидаги тажрибасини кенг оммалаштириш керак. Бу колхоз чорвадорлари маккажўхори билан қаноатланиб турмайдилар. Қишлоқ территориясидаги ариқлар бўйида ўсган ўтни ёз давомида икки марта ўриб оладилар ва силос чуқурларига қирқиб босадилар. Бунга улар сабзавот экинлари палакларини ҳам қўшадилар. Бу, колхозда қўшимча равишда силос бостириш имкониятини бератир. Колхоз чорвадорлари ҳар бир сигир учун 15 тоннадан силос тайёрлаш, шу йўл билан сут соғишни кескин кўпайтириш учун курашаётирлар.

Область қишлоқ хўжалик бошқармаси томонидан берилаётган маълумотларга қараганда ҳали ҳам жуда кўп колхоз ва районларда силос бостириш суръати чинакамига кучайтирилиб юборилмаган. Маккажўхори ўриш, уни силос қилинадиган жойга ташиш ва қирқиш ишларини уюштиришда колхоз правленнелари зарур тадбирларни амалга оширмаётирлар. Кўпинча маккажўхори поясини ўриш билан уни ташиб келтириш ўртасида ва қирқиш вақтида ўринсиз узилишларга йўл қўйилади. Айрим МТСларнинг раҳбарлари эса силос қирқадиган машиналарнинг тўхтовсиз ишлашини таъминлаш тўғрисида ўйламаётирлар.

Пискент районидаги ҳар иккала МТС хизмат қилаётган колхозларда ҳам силос босиш суръати талабга жавоб бермайди. 20 августдан 25 августгача ўтган даврда атиги 2,2 процент миқдорида силос бостирилибди, Сирдарё район колхозларида ҳам силос бостириш суръати талабга жавоб бермайди.

Колхоз ва совхозлар етарли миқдорда силос бостириш билан бирга кўплаб дағал ем-хашак тайёрлашлари ҳам зарур. Шуни айтиш керакки, областимизнинг кўпгина районларида пичан тайёрлаш, уларни чорва моллари турган жойларга яқин қилиб ғарамлаб қўйиш жуда суст бораётир. Бу соҳада Тошкент, Бекобод, Боёвут, Оққўрғон районлари жуда орқада қолмоқдалар. Оққўрғон районида 20-25 август ўрталарида ё мутлақо пичан тайёрланмаган, ёки пичан тайёрланган бўлса ҳам область қишлоқ хўжалик бошқармасига маълумот берилмаган. Боёвут районида ҳам аҳвол шундай.

Вазифа, барча колхоз ва совхозларда силос бостириш ва бошқа ем-хашак тайёрлаш суръатини ҳар тарафлама кучайтиришдан иборат. Чорва қишлови учун ҳар бир колхоз ва совхозда етарли миқдорда силос ҳамда ем-хашак бўлсин. Шунда чорвачилик янада ривожлантирилади, унинг маҳсулдорлиги оширилади.

ОБЛАСТЬ КОЛХОЗЛАРИДА ЕМ-ХАШАК ТАЙЁРЛАШ ВА СИЛОС БОСТИРИШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1957 ЙИЛ 25 АВГУСТГАЧА БЎЛГАН

МАЪЛУМОТ

(Топшириққа нисбатан процент ҳисобида)

Районлар	Дағал ем-хашак тайёрлаш	Силос бостириш	Районлар	Дағал ем-хашак тайёрлаш	Силос бостириш
Оққўрғон	41,3	66,2	Октябрь	36,5	48,1
Боёвут	43,3	66,9	Оржоникидзе	44,6	44,0
Бекобод	26,3	32,0	Паркент	33,7	56,6
Бўстонлиқ	33,1	69,6	Пискент	31,3	18,2
Бўка	41,4	40,2	Ўрта Чирчиқ	34,9	51,9
Верхне-волинск	29,0	39,7	Сирдарё	31,0	30,7
Юқори Чирчиқ	38,7	85,3	Тошкент	24,2	45,9
Гулистон	37,0	78,5	Ўртасарой	44,4	65,8
Калинин	62,0	54,8	Ховос	32,8	25,7
Қорасув	33,4	73,0	Чиноз	34,3	30,7
Мирзачўл	26,6	50,2	Янгийўл	32,6	37,2
Қуйи Чирчиқ	29,3	136,0			

Қорасув районидаги Жданов номли колхозда маккажўхоридан силос бостириш қизғин тус олди. Суратда: 1. комсомол аъзолари У. Ўқчибоев (ўнгда) ва Ю. Тошпўлатов қирқилган маккажўхорини чуқурга босмоқдалар. 2. Ортиқ Абдувалиев ўз боқимидаги бузоқларни прогулкага олиб чиққан.

СССР Ёзувчилар союзида

29 августда СССР Ёзувчилар союзи правлениеси президиумининг кенгайтирилган мажлиси бўлди. Мажлисда Россия Федерацияси ёзувчилар союзини тузиш тўғрисидаги масала муҳокама қилинди.

Россия Федерациясининг ёзувчи кучларини бирлаштириш ҳамда автоном республикалар, ўлкалар ва областларда ёзувчиларнинг ижодий ишини кучайтириш учун зарур шароит вужудга келтириш мақсадида СССР Ёзувчилар союзи президиуми РСФСР ёзувчилар союзини тузиш зарур деб топди. РСФСР ёзувчилар союзининг таъсис съездини 1958 йилнинг иккинчи ярмида ўтказишга қарор қилинди.

Россия Федерацияси ёзувчиларини РСФСР ёзувчиларининг ижодий союзига бирлаштириш соҳасида тайёргарлик ишлари олиб бориш учун РСФСР ёзувчилар союзининг ташкилот комитети тузилди. Ташкилот комитети составида қуйидагилар бор: Л. С. Соболев — раис, Г. М. Марков — раиснинг биринчи ўринбосари, М. К. Агашина, (Сталинград), П. Г. Антокольский (Москва), С. П. Бабаевский (Ставрополь), Н. Г. Баллано (Бурят-Мўғулистон АССР), Г. Б. Баширов (Татаристон АССР), Г. Ф. Боровиков (Саратов), А. С. Бутолин (Ўдмурдистон АССР), С. А. Вишневский (Марий АССР), И. Д. Воронин (Мордовия АССР), С. А. Воронин (Ленинград), Ф. В. Гладков (Москва), Р. Г. Гамзатов (Дағистон АССР), Д. А. Гранин (Ленинград), Н. М. Грибачев (Москва), В. С. Гроссман (Москва), В. П. Друзин (Москва), А. Г. Дементьев (Москва), М. В. Исаковский (Москва), В. П. Катаев (Москва), С. Е. Кожевников (Новосибирск), А. Д. Коптяева (Москва), В. М. Кожевников (Москва), В. А. Кочетов (Москва), Ю. Г. Лаптев (Москва), Л. М. Леонов (Москва), С. Я. Маршак (Москва), И. И. Молчанов (Иркутск), Мустай Карим (Бошқирдистон АССР), Г. Е. Николаева (Москва), Ф. И. Панферов (Москва), В. Ф. Панова (Ленинград), В. И. Петров (Воронеж), Н. А. Попова (Свердловск), Н. Ф. Погодин (Москва), В. В. Полторацкий (Москва), А. А. Прокофьев (Ленинград), А. А. Первенцев (Москва), А. С. Пришвин (Хабаровск), В. А. Протодьяконов (Қозақистон АССР), Н. И. Риленков (Смоленск), М. Д. Соколов (Ростов-Дон), С. В. Смирнов (Москва), А. В. Софронов (Москва), С. В. Сартаков (Красноярск), А. А. Сурков (Москва), А. Ф. Талвир (Чувашистон АССР), А. Т. Твардовский (Москва), А. Н. Тимонен (Карелия АССР), С. К. Тока (Тува автоном области), К. А. Федин (Москва), Г. А. Федоров (Коми АССР), М. Н. Цагараев (Шимолий Осетия АССР), М. А. Шолохов (Москва), М. Д. Шошин (Иваново), А. О. Шогенцуков (Кабарда Балкария АССР).

* * *

СССР Ёзувчилар союзи правлениеси президиумининг мажлисида Москва ёзувчилар ташкилотида Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 40 йиллигини байрам қилишга тайёргарлик тўғрисида Е. А. Долматовскийнинг доклади ҳам тингланди.

Бу масала юзасидан қабул қилинган қарорда қайд қилинадики, Москва ёзувчилар ташкилоти умумхалқ байрамини муносиб кутиб олишга тайёргарлик юзасидан бир қанча тадбирларни кўрган. Нашриётларда китоблар, ҳикоя тўпламлари чиқарилмоқда, театрларда мамлакатимиз ҳаётининг энг муҳим даврларини акс эттирадиган бир қанча пьесалар қўйилмоқда. Бу асарларни москвалик ёзувчилар яратган. Уларнинг ташаббуси билан уч революция давридаги Москва ҳақида ҳикоялар, очерклар ва эсдаликларнинг катта тўплами тайёрланди. Москвалик ёзувчилар кекса большевикларнинг хотиралорини босмага тайёрлашда қатнашмоқдалар.

СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг президиуми Совет ҳокимиятининг 40 йиллигини байрам қилишга тайёргарлик юзасидан Москва ёзувчилар ташкилоти белгилаган конкрет тадбирларни маъқуллади. (ТАСС).

„СССР нинг экин майдонлари" ва „СССР даги чорва моллар сони" деган статистика тўпламлари босилиб чиқди

Статистика адабиёти нашриёти (Госстатиздат) «СССРнинг экин майдонлари» (икки томлик) ва «СССРдаги чорва моллар сони» деган статистика тўпламларини босиб чиқарди. Бу тўпламларни СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий статистика бошқармаси тайёрлаган.

Статистика тўпламларида қишлоқ хўжалик экинларининг экин майдонлари тўғрисида ҳамда чорва молларнинг сони, уларнинг айрим турлари ва ёш группалари бўйича маълумотлар келтирилган, наслдор моллар сони алоҳида кўрсатилган.

Тўпламлардаги маълумотлар совет ҳокимияти йилларидаги маълумотлар бўлиб, улар революциядан илгариги даврга нисбатан умуман СССР бўйича, шунингдек иттифоқчи ва автоном республикалар, ўлка ва областлар бўйича келтирилган.

(ТАСС).

Касаба союзлари ишни қайта қурмоқдалар

Касаба союзларининг ишлари қайта қурилиши муносабати билан касаба союз советларининг ҳуқуқ ва вазифалари анча кенгаяди. Илгари касаба союз советларининг вазифаси фақат область, ўлка ва республика касаба союз ташкилотларининг ишини мувофиқлаштиришдан иборат эди. Улар маҳаллий касаба союз органлари ва бошланғич ташкилотларнинг бутун ишларига кундалик суратда раҳбарлик қилишга қодир бўлган ҳуқуқли раҳбар органлар бўлиб қоладилар.

ВЦСПС президиуми VI пленумнинг топширигига мувофиқ республика, ўлка ва область касаба союзлари советлари тўғрисидаги низомни ишлаб чиқди ва тасдиқлади. Касаба союз советлари саноат ва қурилишни бошқаришни янада такомиллаштириш соҳасидаги тадбирларни амалга оширишда, халқ хўжалик кенгашлари томонидан техника нормалашни, меҳнатни уюштиришни ҳамда ишчи ва хизматчиларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш планларини ва тадбирларини ишлаб чиқишда актив иштирок қилишлари керак. Касаба союз советлари хўжалик ташкилотлари билан бирликда социалистик мусобақани ташкил этадилар ва унга раҳбарлик қиладилар, ишлаб чиқариш ходимларининг илғор тажрибаларини ёйишга кўмаклашадилар.

Касаба союз советларига республика, ўлка, область, район ва фабрика-завод касаба союз комитетларининг фаолиятини текшириш ва ҳисоботларини тинглаш, коллектив шартномаларнинг бажарилиши тўғрисида хўжалик ва касаба союз ташкилотларининг ахборотларини тинглаш, корхоналарнинг маъмуриятлари билан касаба союз ташкилотлари ўртасида коллектив шартномалар юзасидан рўй берган қарама-қаршиликларни узил-кесил ҳал этиш, техника инспекторларини тасдиқлаш ва уларнинг ишлари юзасидан тушган шикоятларни кўриб чиқиш ҳуқуқи берилди.

Касаба союз советлари президиуми томонидан қабул қилинган қарорлар область, ўлка, республикадаги барча касаба союз ташкилотлари учун мажбурийдир. (ТАСС).

Кекса большевиклар ишчилар билан учрашмоқдалар

29 августда Бабаев номидаги кондитер фабрикасининг клубида уч революциянинг қатнашчиси бўлган кекса большевикларнинг ишлаб чиқариш ходимлари билан учрашуви бўлди.

Учрашувга тўпланганлар В. И. Ростовцевнинг 1917 йилда Москва пролетариати ва Москва гарнизони солдатларининг контрреволюция кучларига қарши олиб борган жанглари тўғрисидаги ҳикоясини катта эътибор билан тингладилар.

Е. Д. Стасованинг сўзи қизғин кутиб олинди. У Владимир Ильич Ленин билан биргаликда ишлаганлиги тўғрисидаги ўз хотираларини гапириб берди. Кремлнинг биринчи совет коменданти, ҳозирги вақтда профессор И. П. Петряков совет ҳукуматининг Петрограддан кўчиб келганидан кейин Москвада ишларининг биринчи кунлари тўғрисида сўзлаб берди. М. П. Еремин меҳнаткаш ёшларнинг революцион ҳаракатдаги иштироки тўғрисида ўзининг ҳотираларини ўртоқлашди. Т. Ф. Людвинская В. И. Ленин билан бўлган учрашувлари ҳақида гапириб берди.

Ёш технорук Валя Шаманина фабрика ёшлари номидан меҳмонларни қизғин табриклади. Қиз-жувон ишчилар революция ветеранларига гулдасталар тақдим қилдилар.

(ТАСС).

Савдо ходимлари активининг республика кенгаши

28 августда Узбекистон ССР Олий Советининг мажлислар залида Узбекистон ССР Халқ хўжалиги кенгашлари ва саноат корхоналари раҳбарларининг иштироки билан давлат савдоси ва матлубот кооперацияси ходимлари активининг кенгаши бўлди.

Кенгашнинг ишида Тожикистон ва Қирғизистон савдо ташкилотларининг вакиллари ҳам қатнашди.

Актив кенгашини Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Ўртоқ **Р. Е. Мельников** очди.

Кенгашда Узбекистон ССР Савдо министри Ўртоқ Маъруповнинг ва Узбекбирлашув правлениеси раиси Ўртоқ Юнусовнинг савдо ташкилотларининг аҳолига яхшироқ хизмат кўрсатиш тадбирлари тўғрисида ҳамда савдо ташкилотларининг Узбекистон ССРда пахта йиғим-терим кампаниясига хизмат қилишга тайёргарлиги тўғрисидаги докладлари тингланди ва муҳокама қилинди.

Ўртоқ **Маърупов** ўз докладида республиканинг савдо ташкилотлари етти ойлик товар оборот планини 102,4 процент қилиб бажарганликларини билдирди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан аҳолига 2 миллиард сўмлик товар кўпроқ сотилган. Бошқа рақам ҳам мудимдир: шу ярим йил ичида мамлакат бўйича товар обороти ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 15 процент, Узбекистон бўйича эса—26 процент ошган. Товар оборотининг ўсиши жиҳатидан республика мамлакатда биринчи ўринни олди.

Докладчи эришилган муваффақиятлар билан бир қаторда республика савдо ташкилотларининг ишида муҳим камчиликлар борлигини айтиб ўтди. Андижон ва Фарғона область ижроия комитетларининг савдо бошқармалари етти ойлик товар оборот планини бажармаганлар. Учинчи квартала Фарғона, Қўқон ва Урганч савдо бўлимларининг иши пасайиб кетган. Қишлоқ министрлиги ва сув хўжалиги министрлигининг ишчилар таъминоти бўлимлари ҳам планни бажармадилар.

Кенгашда маданий савдо қилиш масалаларига катта эътибор берилди. Бу жиҳатдан Самарқандда тўпланган тажриба ибрат бўлмоқдадир. Бироқ, умуман республикада аҳвол яхши эмас. Бу йил 112 та ихтисослаштирилган магазин очилиши мўлжалланган эди, ҳолбуки, ҳақиқатда фақат 48 магазин ишлай бошлади. Савдонинг прогрессив методлари жуда суст жорий қилинмоқда. Товарларни ёзиб қўйиб сотиш ҳам озиқ-овқат товарларини фасовка қилинган тайёр ҳолда сотиш, кийимларнинг янги моделларини манекинларда кўрсатиб қўйиш, каби ва бошқа методлар кам жорий қилинмоқда. Кўпгина магазинларнинг витриналари ёмон аҳволда.

Кенгашда савдонинг моддий техника базаси товар оборотининг ўсишидан жуда кейинда қолаётганлиги тўғрисида гапирилди. Кейинги йилларда товар оборот 320 процентга кўпайгани ҳолда, савдо шохобчалари фақат 9 процент кўпайган. Капитал қурилиш учун жуда кам маблағ ажратилмоқда.

Айрим саноат корхоналари кўпгина вақтда савдо шохобчаларига товарлар ва озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бериш планларини бузаётганликларига, ассортимент топшириқларини бажармаётганликларига, кўпгина ҳолларда сифати паст маҳсулот чиқараётганликларига алоҳида эътибор берилди. Тошкент Халқ хўжалиги кенгаши корхоналарининг ўзи етти ой мобайнида савдо ташкилотларига тикилган буюмларни 10 миллион сўм миқдорида кам бердилар, маҳаллий саноат эса— 35 миллион сўмлик маҳсулот кам берди. Мебель, чинни буюмлар, болаларнинг оёқ кийимлари ва бошқа товарларнинг камчилиги доим сезилиб турмоқда. Бунинг натижасида савдо ташкилотлари уй-рўзғор учун керакли бўлган бир қанча товарларни бошқа республикалардан келтиришга мажбур бўлмоқдалар. Ишлаб чиқаришни кўпайтиришни ҳамда давлат корхоналари, маҳаллий ва кооператив саноати маҳсулотининг сифатини яхшилаш масалалари билан Халқ хўжалиги кенгашлари, республика Госплани, Узпромсовет ва область ижроия комитетлари яхши шуғулланмаётирлар. СССР Савдо министрлигининг улгуржи базалари товарларни ўз вақтида олиб келмаётирлар.

Жамоат овқатланишини яхшилаш масалаларига тўхталиб кенгаш қатнашчилари ошхоналарда ҳали овқатларнинг нархи қимматлиги тўғрисида, менюларнинг бир хиллиги тўғрисида, овқатнинг сифатсиз қилиб ва калорияси камайтирилиб тайёрланаётганлиги, сутли овқат ва сабзавотдан қилинган овқатларнинг камлиги тўғрисида гапирдилар. Бунда биринчи галда область ва шаҳар савдо бўлимларининг раҳбарлари, ресторан ва ошхоналарнинг директорлари айёдлардирлар.

Узбекбирлашув правлениесининг раиси Ўртоқ **Юнусов** республика матлубот кооперациясининг иши ҳақида доклад қилди. Товар оборотининг етти ойлик плани 101,2 процент бажарилган. Ўтган йилнинг шу вақтига нисбатан чакана товар обороти 30 процент ортган.

Матлубот кооперациясининг ишида бир қанча камчиликлар бор. Фарғона ва Андижон область матлубот союзлари планни бажармаганлар. 62 потребсоюз ва райпо топшириқни уддалай олмаган.

Матлубот кооперацияси суст ишлаётганлигининг асосий сабаби шуки, Узбекбирлашув системасида ҳали ҳам товарларни салмоғига қараб тақсимлаш каби эски методлар мавжуддир.

Колхозчиларнинг пул даромади ўсиши билан бирга товарларга бўлган талаб ҳам кўпайди. Биринчи ярим йилда жун газламаларнинг сотилиши 81 процент, ипак газламаларнинг сотилиши 62 процент, радио товарларининг сотилиши 87 процент, электр товарлари сотилиши 45 процент кўпайди ва ҳоказо. Бинокорлик материалларига талаб катта ва бу материаллар билан савдо қилиш яхши йўлга қўйилмаган.

Комиссион савдонинг ривожланиши тўғрисида гапириб Ўртоқ Юнусов қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш бўйича етти ойлик планнинг 118,5 процент бажарилганлигини айтиб ўтди.

Ўртоқ Юнусов ва музокараларда сўзга чиқувчилар қишлоқ жойларида жамоат овқатланишини ташкил этишга алоҳида эътибор бердилар.

Оммавий пахта йиғим-терим даври яқинлашиб келмоқда. Колхозчиларга хизмат кўрсатишни яхшилаш керак. 7 мингдан кўпроқ далачилик бригадаларига иссиқ овқат етказиб бериш ишини ташкил этиш зарур. Қишлоқ халқига қирза этиб, телогрейка ва пахталик шимлар сотишни кўпайтириш масаласи қўйилди.

Ўртоқ Юнусов СССР Савдо министрлигига бир қанча талаблар қўйди. СССР Савдо министрлиги республиканинг қишлоқларида савдо ишини яхшилаш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишни чўзиб келмоқда.

Узбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари Ўртоқ **Хўжаев** ўз сўзида республика савдо ташкилотларининг фаолияти тўғрисида тўхталиб ўтди. У, магазинлар, ошхоналар ва киоскаларнинг қониқарсиз ишлаётганликлари ҳақида жуда кўп хатлар келаётганлигини айтди. Бу хатларда меҳнаткашлар ҳаққоний равишда маданий савдо қилишни, саноат ва озиқ-овқат товарлари сотишни яхши ташкил этишни талаб қилмоқдалар. Бироқ, Савдо министрлиги ва унинг қуйи ташкилотларидаги ходимлар харидорларнинг шикоятларини текшириш иши билан яхши шуғулланмаётирлар, харидорларнинг яхши таклифларини амалга оширмаётирлар.

Ўртоқ Хўжаев савдо ташкилотларини танқид қилиб, уларнинг шу вақтгача аҳолига етарли миқдорда сут ва сут маҳсулотлари, сабзавот, картошка ва полиз экинлари сотишни яхши йўлга қўймаганликларини айтиб ўтди. Республика Савдо министрлиги ва айниқса, Узбекбирлашув савдо шохобчаларини кенгайтириш билан шуғулланмаётирлар, тез бузиладиган озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлашга ва сақлашга яхши тайёрланмаётирлар. Халқ хўжалиги кенгашлари ва республика Госплани **1958** йил планида янги гўшт комбинатлари ва сут заводлари қурилишини ва ҳозирда мавжуд комбинат ва заводларни реконструкция қилишни кўзда тутишлари керак.

Узбекистон ССР Савдо министрлиги товарлар сифати бўйича давлат инспекциясининг бошлиғи Ўртоқ **Нунгуров** минбарга чиқади. У, давлат, маҳаллий ва кооператив саноатининг баъзи корхоналарида жуда катта камчиликлар билан чиқарилаётган товарларни кўрсатди. У дедики, бир қанча завод ва фабрикаларда ишлаб чиқарилаётган буюмларнинг сортлари бузилмоқда, эски моделдаги кийим ва бошқа товарлар чиқарилаётганлигини кўрсатадиган жуда кўп фактлар бор. Кўпгина пойафзал ва устки кийимлар корхоналарга қайта ишлаш учун қайтарилмоқда.

Тошкент шаҳар Октябрь трести ошхоналарининг директори Ўртоқ **Вишневская** заводда жамоат овқатланишини ташкил этишдаги тажрибалар билан Ўртоқлашди.

— Ошхонамизнинг пухта ишлашини йўлга солишда, — деди у, — заводнинг маъмурияти, партия ва касаба союз ташкилотлари ёрдам берди. Биз менюларни доим алмаштириб турамиз, овқатларнинг ассортиментини кенгайтирамиз, ишчиларнинг овқатланиши учун камроқ вақт сарф қилишига ҳаракат қилмоқдамиз.

Музокараларда Тошкент шаҳар ижроия комитети савдо бошқармасининг бошлиғи Ўртоқ **Туркова**, Самарқанд область матлубот союзи правлениесининг раиси Ўртоқ **Қаюмов**, Фарғона область матлубот союзи правлениеси раисининг Ўринбосари Ўртоқ **Фудим**, давлат савдоси ходимлари касаба союзи республика комитетининг раиси Ўртоқ **Аҳмедов**, Узбекистон ССР прокурори Ўртоқ **Шералиев** ва бошқалар сўзга чиқдилар.

Кенгашда маҳаллий ресурслардан яхшироқ фойдаланиш масалаларига алоҳида эътибор берилди. Бевосита республикада мавжуд бўлган маҳаллий хом ашёдан кенг истеъмол қилинадиган бир қанча товарлар ишлаб чиқаришни уюштирилганда баъзи буюмларни бошқа республикалардан келтиришдан қутилиш, товарларнинг таннархини камайтириш мумкин бўлади.

Узбекистон ва Қирғизистон савдо ташкилотлари ўртасидаги социалистик мусобақа шартномасининг қандай бажарилаётганлиги тўғрисида Қирғизистон ССР Савдо министрининг ўринбосари Ўртоқ **Нурматова** маълумот берди. У Қирғизистон вакилларининг ўзаро текшириш бригадаси Узбекистоннинг бир қанча шаҳарларидаги магазинларни, ошхоналарни ва базаларни бориб кўрганлигини айтди. Савдони ва жамоат овқатланишини ташкил этишда йўл қўйилган камчиликлар маълум бўлган ва уларни тузатиш йўллари кўрсатилган.

— Шу билан бирга, — дейди Ўртоқ Нурматова, — биз мусобақадошларимиздан кўпгина муҳим тажрибаларни олдик. Биз қайтиб борганимиздан кейин Узбекистон савдо ходимларининг илғор тажрибасини ўз республикамизда жорий қиламиз.

Кенгашда СССР Савдо министри Ўртоқ **Д. В. Павлов** сўзга чиқди. Мамлакатимизнинг иқтисодий қуввати ўсиши тўғрисида ва айниқса кейинги уч йил мобайнида қишлоқ хўжалигининг кескин равишда юксалиши тўғрисидаги маълумотларни кўрсатиб, у дедики, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши совет халқининг моддий фаровонлигини янада ошириш учун мустаҳкам асос яратиб берди ва бу товар обороти планини муваффақиятли бажаришни таъминлаш, кўпроқ миқдорда товарлар сотишни таъминлаш имкониятини берди. Фақат шу йилнинг ўзидагина аҳолига 1956 йилдагига қараганда 6 миллион тонна кўпроқ сут сотилади. Илгари фақат беш йил ичидагина шундай миқдорда ўсиш мумкин бўлар эди.

Узбекистон ССР экономикасининг ривожланиши тўғрисида гапириб Ўртоқ Павлов бундай дейди:

— Республика товар оборотининг қариб 45 процентга Узбекистонда ишлаб чиқариладиган товарлар ҳисобидан қопланганлигини қайд қилиш қувончлидир, ҳолбуки, ўтмишда, бу товарларнинг 90 процентдан кўпроғи республикага мамлакатнинг бошқа районларидан келтирилар эди. Бу — Узбекистон партия ташкилоти, Совет ҳокимияти органлари ва бутун ўзбек халқи томонидан саноат маҳсулоти ва қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқаришни кўпайтириш юзасидан қилинган катта ишнинг натижасидир.

Узбекистонда савдони янада ривожлантириш масалаларига тўхталиб Ўртоқ Павлов республикада аҳолининг талаби ўсиши билан моддий техника базаси ўртасида катта тафовут борлигини кўрсатиб ўтади. Республиканинг маҳаллий ва қишлоқларида ҳали магазиндар кам, бунинг натижасида харидорлар учун ноқулайликлар туғилади, қишилар товарларни сотиб олиш учун кўп вақт йўқотадилар, навбатлар ҳосил бўлади. Бу камчиликларни тугатиш учун яқин орада Тошкент, Самарқанд, Фарғона ва бошқа шаҳарларда кичикроқ магазин шохобчаларини қуриш зарур. Бу масалани маҳаллий партия ва совет ташкилотлари билан биргаликда ҳал этиш керак.

Савдонинг янги формаларини кенг авж олдириш зарур. Ўзига хизмат қилиш шундай ташкил этилиши керакки, харидор ўзига керакли товарни дарров сотиб оладиган бўлсин, прилавка олдида узоқ вақт туриб қолмасин. Савдо корхонасининг ҳар бир коллективини уюшқоқлик билан, пухта ишлашига эришиш керак, магазинларнинг мудирлари фақат администраторларгина қўлиб қолмай, савдода бевосита қатнашишлари ҳамда кўпроқ вақтини залда ўтказишлари, харидорлар билан муносабатда бўлиб туришлари керак. Савдо ташкилотларининг раҳбарлари магазин ва ошхоналарнинг санитария аҳволини яхшилашга мумкин қадар кўпроқ диққат қилишлари зарур.

Товарларни кўринарли жойларга ёйиб қўйиш соҳасида ҳали кўп иш қилиш керак. Товарларни шундай қилиб жойлаштириш керакки, сотувчи кўрсатишини кутиб турмасдан харидорнинг ўзи танлаб оладиган бўлсин. Нон, сут ва сабзавотларни уйга етказиб бериш каби савдо формасини ҳам кенг ёйиш керак. Савдо ташкилотларининг раҳбарлари ва магазинларнинг директорлари витриналарни ташкил этишга алоҳида диққат қилишлари керак.

Республика аҳолиси маиший хизмат кўрсатадиган мастерскойларга жуда муҳтож. Масалан, Тошкентда 20 минг аҳолига ҳисобланганда пойафзал ва кийим ремонт қиладиган битта мастерской тўғри келади. Натижада аҳолининг заказлари узоққа чўзилиб кетади ва кўп вақтда сифатсиз қилиб бажарилади. Вазифа — маиший хизмат кўрсатадиган мастерскойлар шохобчаларини кескин равишда кенгайтиришдан иборатдир. Ўртоқ Павлов ўз нутқининг кўп қисмини республика саноатида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини яхшилаш учун кураш масалаларига бағишлади.

Республика савдо ташкилотлари пахта йиғим-терими оммавий равишда бошланган вақтда қишлоқ аҳолисини зарур саноат ва озиқ-овқат товарлари билан таъминлаш ва камида 10 минг дала шийпонига иссиқ овқат етказиб беришни йўлга қўйиш учун амалий чоралар кўришлари лозим. МТСлар ҳузуридаги ошхоналарда овқатланувчиларнинг ўз-ўзига хизмат қилишларини уюштириш ва шунингдек пахта тайёрлаш пунктларида буфетлар очилиши керак.

Кенгаш ишида Узбекистон КП Марказий Комитетининг биринчи секретари Ўртоқ Н. А. Мухитдинов ва Узбекистон ССР Министрлар Советининг раиси Ўртоқ С. К. Камолов қатнашдилар.

Кенгаш қатнашчилари республиканинг барча савдо ходимларига мурожаат қилиб Улуғ Октябрнинг 40 йиллигини муносиб кутиб олишга чақирдилар. (УзТАГ).

Ғўза парваришини пахта йиғим-терими бошлангунча давом эттирайлик!

Пахтадан мўл ҳосил етиштиришда ғайрат билан ишлаб, бошқаларга намуна бўлаётган кишилар. Суратда (чапдан ўнгга): Оққўрғон районидаги Сталин номли колхознинг бригада бошлиғи Ўртоқ **Х. Хайитов**. Унинг бригадаси гектаридан 40 центнердан ҳосил етиштириш учун курашмоқда. Оржоникидзе районидаги Хрушчев номли колхозда ишлаётган тракторчи Ўртоқ **Ю. Раҳимов**. У ғўза зараркунандаларига қарши дори сепишда кундалик нормани 1,5—2 ҳиссадан бажараётир. Сирдарё районидаги Охунбобоев номли колхознинг бригада бошлиғи Тоғаймурод **Назаров**. У бошлиқ бригада аъзолари 108 гектар ернинг ҳар гектаридан 50 центнердан ҳосил етиштиришга қарор қилганлар. Ўртасарой районидаги Охунбобоев номли колхознинг уста сувчиси **П. Мусурмонқулов**. У шу кунларда ҳам ғўзаларни қондириб суғориб мўл ҳосил етиштиришга муносиб ҳисса қўшмоқда.

В. Салов фотолари.

Ёш агрономларнинг колхозчиларга ёрдами

Тошкент қишлоқ хўжалик институти ҳузуридаги қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши курашувчи агрономлар малакасини ошириш Ўрта Осиё мактабининг 87 ўқувчиси Бўка райони колхозларига бориб колхозчиларга ғўза зараркунандаларига қарши курашда амалий ёрдам бердилар. Ёш агрономлардан Икромжон Эшонхўжаев, Зулфихор Кинжабеков, Прокофий Зеленин, Степан Твердохлебов ва бошқа кўпгина Ўртоқлар райондаги «Ленин йўли» колхозида бўлганларида Ўргимчаккана ва ғўза бити билан зарарланган 60 гектардан ортиқ ердаги ғўзани сифатли қилиб дориладилар.

Шунингдек Ильич номли, «Коммунизм» колхозларида практика ўтказган ўқувчилардан Собир Норматов, М. Ашуров, Б. Алиев, В. Мамасолиев Ўртоқлар ҳам намунали ишлаб, ўзларининг билимларини ишлаб чиқариш билан бемалол боғлай олабилишларини кўрсатдилар.

Ёш агроном — энтемологларнинг ёрдами билан район колхозларининг 500 гектардан ортиқ майдондаги ғўзаси зараркунандалардан тозаланди.

В. УСМОНОВ.

Далалардан дараклар

СИРДАРЁ. «Ёш ленинчи», «Коммунизм», Ильич номли, Ворошилов номли колхозларнинг илғор бригадаларида ҳосилга-ҳосил қўшиш давом эттирилаётир. Колхозчилар механизаторлар билан ҳамкорликда меҳнат қилиб ғўза тупларида кўсакларнинг кўпайиши учун курашмоқдалар, олинган социалистик мажбуриятнинг бажарилишига пухта замин ҳозирламоқдалар.

К. Кенжаев, Н. Урозов, Т. Ҳайдаров, Т. Ражабов.

* * *

МИРЗАЧЎЛ. Сталин номли колхознинг айрим участкаларида ғўзанинг ён шохлари чеканка қилинаётир. Колхозчилардан Б. Шомирзаева, Д. Олимова, М. Восипова, З. Дадаева каби Ўртоқлар чеканка ишларини сифатли бажармоқдалар. Райондаги Ворошилов номли ва «Коммунизм» колхозларида ҳам мўл ҳосил етиштириш учун барча тадбирлар амалга оширилаётир. Бу колхозларда хизмат қилаётган механизаторлар ғўза парваришини давом эттириш билан бирга, ўз агрегатларини пахта теримига ҳам тайёрламоқдалар.

Б. Соибназаров, А. Султонов, Ғ. Алибоев.

* * *

ЯНГИЙЎЛ. Хрушчев номли колхознинг Ўртоқ Н. Шубладзе бошлиқ 2-бригадасида ғўзани суғориш ишлари уюшқоқлик билан олиб борилмоқда. Тажрибали сувчи Д. Муродов ғўзани эгат ташлаб суғоришда айрат кўрсатиб ишламоқда.

Фрунзе номли колхознинг Ўртоқ М. Каюмов бошлиқ звеносида ҳам ғўзани сифатли суғоришга эътибор кучайтирилган.

Х. Эралиев, Қ. Пардабоев.

* * *

ВЕРХНЕ-ВОЛИНСК. Район пахтакорлари она-Ватанга 26970 тонна пахта етказиб бериш юзасидан олган янги мажбуриятларини муваффақиятли бажариш учун ғўза парваришини пахта йиғим-терими бошлангунга қадар давом эттиришга қарор қилдилар. Бу иш Карл Маркс номли, Максим Горький номли, «Победа» колхозларида айниқса яхши ташкил этилган. Лекин «Социализм» совхозининг Ўртоқ Мун бошлиқ 4-бўлимида кейинги вақтда ғўза парваришни сусайтириб юборилган. Бўлимда суғориш ишларига яхши эътибор берилмаётир. Шу сабабли 32 гектар ердаги ғўза чанқатиб қўйилган, серҳосил бўлиб ўсмаётир.

Қ. Курбонбоев, М. Ғайбуллаев, Т. Маматқулов.

* * *

ОҚҚЎРҒОН. 69 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 32 центнердан ҳосил етиштириш учун курашаётган Куйбишев номли колхознинг Ўртоқ Набижон Умматов бошлиқ бригада аъзолари ҳозирга қадар барча майдондаги ғўзаларни бешинчи марта комплекс парваришдан чиқардилар. Бригада аъзолари шу кунларда ҳам ғўза парваришини сусайтирмасдан суғориш ва чопиқ ишларини қизитиб юборганлар.

«Красная заря» колхозининг Ўртоқ М. Эрназаров бошлиқ 1-бригадасида ҳам мўл ҳосил учун кураш давом эттирилмоқда.

Т. Уринбоев, М. Ойдинов.

* * *

ОРЖОНИКИДЗЕ. 15-боғдорчилик совхозининг ишчилари фидокорона меҳнат қилиб узум ҳосилини кўпайтирдилар. Шу кунларда совхозда узум узиш ва уни мамлакатнинг узоқ районларига жўнатиш иши қизитиб юборилган. Совхознинг Ўртоқ Сирож Шамолов бошлиқ бўлимида айниқса яхши натижаларга эришилаётир. Бўлим ишчилари ҳар гектар ердан 175 ўрнига 190 центнердан узум топшириш учун курашиб, ҳосилни сира нобуд қилмасдан йиғиштириб олмоқдалар.

Т. Урунов.

Ғўза тупларида мажбуриятни қоплайдиган ҳосил бўлсин

Мусобақадош Андижон области пахтакорларининг ўзаро текшириш бригадаси аъзоларидан бир группаси Сирдарё, Мирзачўл, Гулистон районларининг колхозларида мажбуриятни қоплайдиган даражада ҳосил етиштириш учун августда ғўза парваришини қандай уюштирилганини текширдилар.

Мусобақадошлар Сирдарё районидаги «Ҳақиқат» колхозининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Сафар Ҳолматов, Охунбобоев номли колхознинг Элмурод Раҳматов Ўртоқлар бошлиқ бригадалари аъзоларининг мўл ҳосил етиштириш соҳасидаги ишларидан роят мамнун бўлдилар. Гулистон районидаги Крупская номли колхоз аъзолари ҳам фидокорона меҳнат қилиб яхши натижага эришаётирлар. Колхоз 880 гектар ернинг ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил топшириш тўғрисидаги илгариги мажбуриятни ўзгартириб, гектаридан 33 центнердан ҳосил олишга аҳд қилган. Колхозчилар кўшимча мажбуриятни ошириб адо этиш мақсадида ғўзани суғориш, чопиқ, культивацияни ўз вақтида агротехника қоидаларига риоя қилган ҳолда ўтказаётирлар. Авжи паст ҳосили кам ғўзалар алоҳида парваришини қилинаётир, «шарват» оқизилмоқда. Отакулов, Ҳакимов, Ниязов, Хатамов Ўртоқлар бошлиқ бригада аъзолари ғўза парваришини намунали уюштириб мусобақа шартларини тўла адо этаётирлар.

Мусобақадошлар ҳосил тақдири ҳал қилинаётган шу кунларда ҳар уччала районнинг бир қатор колхозларида ғўза парваришни сусайтириб юборилганини, айрим колхоз, бригаларда эса тўхтатиб қўйилганини кўриб афсусландилар.

Сирдарё районидаги «Малик» совхози ва баъзи колхозларда авжи паст, ҳосили кам ғўзалар анчагина майдонни ташкил этади. Бироқ ҳосилга-ҳосил қўшиш ишида кейинги кунларда ҳаракат бирмунча бўшаштириб юборилган. Ғўза ўсиб кетди, деб трактор культивацияси тўхтатиб қўйилган. Охунбобоев номли колхознинг Ўртоқ Тошев бригадасида шундай аҳвол юз берган. Бригаданинг ғўзалари ёш, бўйчан эмас. Трактор культивациясини тўхтатмаслан давом эттириш мумкин. «XVIII партконференция» колхозининг кўпчилик бригадаларида, шу жумладан, Ўртоқ Қўшмуротов бошлиқ бригадада ғўза ўз вақтида сифатли парвариш қилинмайди. Бригадада катта қартдагги ғўза суғорилгандан кейин трактор бўлмаганидан қақраб кетган, ғўзанинг илдизи зарарланган. Шу хилдаги аҳвол бошқа бригадаларда ҳам содир бўлаётгани ҳолда, колхоз агрономи Ўртоқ Қодирхўжаев бундай кўнгилсиз аҳволни бартараф қилиш чорасини кўрмаган. Шевченко номли колхозда ғўзани суғориш агротехникаси кўпол равишда бузилаётир. Ғўзалар эгат олинмасдан бостириб суғорилган.

«Малик» совхозининг директори Ўртоқ Бочкаровнинг эътироф қилишича 400 гектар ердаги ғўзани бегона ўт босиб ётибди. 2-бўлимнинг Ўртоқ Аҳмедов бошлиқ бригадасига қарашли 102 гектар ердаги ғўза ўтлан тозаланмаганидан ўсишдан ва ҳосилдан қолган. Ильич номли колхознинг Ўртоқ Халилов бошлиқ бригадасининг ғўзалари серҳосил, шохлари ўралиб қалинлашиб кетганидан шамол юриши қийинлашган. Натижада димиқиб айрим жойлардаги кўсак чириб бошлаган. Ўзаро текшириш бригадаси ғўзаларни дарҳол шамоллатиш зарурлигини айтиб маслаҳат бердилар.

Мирзачўл районининг колхозларида ғўза парваришни ҳали ҳам ҳозирги талаблар даражасида эмас. Авжи паст ва ҳосили кам ғўзалар кўп. Бундай ғўзаларни ҳосилдор ғўзалар даражасига етказиб олиш учун кўшимча равишда чопиқ, культивация қилиш, озиқлантириб, табақалаштириб суғориш зарур. Лекин мана шу муҳим тадбирлар қониқарсиз амалга оширилмоқда.

Масалан ,«Октябрь» колхози бу йил 1000 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 33 центнердан пахта бериши керак. Бунинг учун ҳар бир туп ғўзада камида 14 талан тўқ кўсак етиштирилиши зарур. Хасанов, Мирзаев, Рўзиев Ўртоқлар бошлиқ бригадаларнинг ҳар бир туп ғўзасида ўрта ҳисобда 3-4 талан кўсак етиштирилган, холос. Колхозда 250 гектардан ортиқ ердаги ғўза кечки, айрим тупларида ҳали кўсак ҳам йўқ. Аҳвол шундай бўлатуриб, колхоз раҳбарлари ҳосилдан қолаётган ғўзаларни алоҳида парвариш қилишни ўйламаётирлар.

Мусобақадошлар Гулистон районининг колхозларида ҳам ғўза парваришида жиддий камчиликларга йўл қўйилаётгани, айрим колхозларда эса ғўза парвариши расмият учун ўтказилаётганини аниқладилар. Текшириш бригадаси Свердлов номли колхознинг Ўртоқ Ўразов бошлиқ бригадасида ғўзани суғориш қандай уюштирилгани билан танишди. Бригада сувчилари 60 гектарлик ердаги ғўзага сув тарагач хабар олмаганлар. натижада сув қўллаб ғўзани эзиб зарар етказган. Кўчаларга сув тошиб кўл бўлгани ҳолда Ўразимбетов бригадасининг ғўзалари суғорилмасдан жуда чанқатиб қўйилган, шоналар тўкилиб кетган.

Карл Маркс номли колхозда аҳвол бундан ҳам ачинарли. Колхоз раиси Ўртоқ Пардаев планни қоплайдиган даражада ҳосил етиштирилди, деб ҳосили кам ғўзаларнинг кўкига маҳлиё бўлиб юрибди. Колхозда меҳнат интизоми бўшаштириб юборилган. Колхозчиларнинг унумли меҳнат қилишлари учун қулай шароит яратилмаган, меҳнат кунларига аванс ҳам берилмайди.

Шуни ҳам айтиш керакки Мирзачўл районидаги кўпчилик колхозларда ҳосилнинг ашаддий душмани — Ўргимчаккана ва бошқа ҳашаротлар кўплаб тарқалаётир. Ленин номли колхознинг Ўртоқ Маражабов бошлиқ бригадасига қарашли 40 гектар майдондаги ғўзадан 60 процентини Ўргимчаккана босган. ОДН бор, дори етарли. Лекин ўз вақтида чора кўрилмаганидан ғўзаларнинг ҳосили нобуд бўлаётир. Охунбобоев номли, Сталин номли, «Коммуна» колхозларида ҳам ҳашарот кўп. Гулистон районидаги Карл Маркс номли, Свердлов номли колхозларда ҳам Ўргимчаккана ва бошқа ҳашаротларга қарши кураш талабга жавоб бермайди.

Узбекистон КП Марказий Комитетининг «1957 йил август ойида ғўза парваришини ўтказиш ҳақидаги қарорида ҳар бир туп ғўзада мўл ҳосил тўплаш ва уни барвақт етилтириш вазифаси қўйилган. Мусобақадошлар бу вазифани бажариш учун ҳали астойдил курашиш кераклигини айтиб, аниқланган камчиликларни тезда бартараф қилиш йўлларини кўрсатиб бердилар. Мирзачўл, Сирдарё, Гулистон районларининг пахтакорлари ҳар бир туп ғўзада мажбуриятни қоплайдиган даражада ҳосил етиштириш таъминлаш учун астойдил курашишлари керак.

Ш. КУЗАНБОЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

Гап деса қоп-қоп...

Одам борки, ишлаб ҳоримайди, одам борки, сўзлаб чарчамайди. Абдулла Ашуров кейинги тоифадаги одамлардан.

Мана, ёз ўтиб кузга қадам қўяяпмиз. Ашуров ҳали ҳам минбарда воғизхонлик қилаяпти. «Бажарамиз», «дўндирамиз», «қойил қиламиз...».

Сиз шу гапларни айтган киши раислик қилаётган Чиноз районидаги Ворошилов номли колхоз даласига чиқиб кўринг-а, ғўзаларнинг: «ўт ичида эзиляпмиз», «сувсизликдан танамизда мадор йўқ», деган ноласини эшитасиз. Ғўзанинг гапирмаслиги ёш болага ҳам маълум, аммо шу колхоз даласидаги ғўзани кўрган киши унинг аҳволига қараб шу маънони уқиб олади.

Абдулла Ашуровнинг сўз хазинасига яна битта янги сўз қўшилибди. Сиз унга ғўзангизни ўт босиб кетибди, десангиз у:

— Бу «анчики ўт» деб қўяқолади.

Ўртоқ Ашуров, эҳтиёт бўлинг, агар шу «анчики ўт»лар йўқотилмаса, 500 гектар ердаги ғўзанинг шарманда қилади.

(Мухбир хабаридан).



Жон қойитмас раисга,
«Балли» денглар, ёзу-қиш —
Дала ишин дурбинда,
«Осон» эмас кузатиш...

Н. Леушин чизган расм.

Коммунист бошлиқ бригадада

Свердлов номли колхознинг КПСС аъзоси Ўртоқ Жўра Райимбеков бошлиқ 2- бригада аъзолари Андижон область пахтакорларининг ташаббусига қўшилиб, ғўза парваришини пахта йиғим-теримигача давом эттириш учун қарор қилдилар ва ҳосилга-ҳосил қўшишга қаратилган бир қатор тадбирларни амалга оширмоқдалар.

Олти марта узунасига ва 4 марта кўндаланга культивация қилиниб, 5 марта кетмон чопиғидан чиқарилган, уч марта маҳаллий ва минерал ўғит аралашмаси билан озиқлантирилган, қондириб суғорилган 54 гектар ердаги ҳар туп ғўзада 12-14 талан бўлиқ кўсак етиштирилди.

Бригадада ғўза қатор ораларини ишлаш пахта йиғим-теримига тайёргарлик билан боғлаб олиб борилмоқда. 2 та пахта хирмони суваб қўйилди, 2 та катта тарози, 2 та кичик тарози, 50 қанор ва 50 этак тайёрланиб, тахт қилинди. 15 га яқин колхозчи мавсумда 7, 10, 15 тоннадан пахта теришга аҳд қилиб, ўз зиммасига мажбурият олди. Зобира Холжонова, С. Абдуллаева, Хонбиби Туёқбоева ва бошқалар шулар жумласидандир. Бригада аъзолари 54 гектар ернинг ҳар гектаридан 30 центнер ўрнига 35 центнердан пахта ҳосили топшириш қарор қилдилар.

А. ЖАЛОЛОВ.
Октябрь райони.

УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 40 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Тошкентнинг шимолий саноат зонасида



150-ўрта мактаб биноси.

БИР КЕЛИБ КЎРИНГ

Баъзан эрталаблари, баъзан эса кечқурунлари кўчага чиқиб, астасекин сайр қилиб юришни яхши кўраман. Нега десангиз, кун сайин кўркамлашиб чиройи очилаётган атрофга бир назар ташлашнинг ўзиёқ сиздаги ҳамма ғуборларни чиқариб юборади, кўзингиз кўриб қувонади, ўзингни енгил тортасан. Ҳаммаёқда тартиб билан тушган янги уйлар. Ҳў, кўчанинг нариги томонида яна кончадан-кончадан уйларнинг ғишти терилмоқда.

Ҳар ер-ҳар ерда заводларнинг улкан бинолари кўзга ташланади. Булар куч-қудратимизнинг тимсолидир. Қуёш нурида ойнадек ярқираб турган теп-текис асфальт кўчада гизиллаб ўтаётган машина ва автобусларнинг кети узилмайди. Кўча билан тротуар ўртасида бунёд этилган гулзорларни айтмайсизми! Гулзордан анқиётган хушбўй ҳид кишига ором бағишлайди.

Бўлаётган жуда катта ўзгаришларни киши баъзан сезмай қолаётир. Ҳа ,улкан Ватанимизнинг ҳамма бурчаги ҳам жуда тез ўзгариб бормоқда.

Кўча сайли вақтида ўзимдан-ўзим завқланиб кетаман ва ногоҳон шу ерларнинг яқин ўтмишини кўз олдимга келтираман. Бу ерлар ҳали яқиндагина ҳам шаҳарнинг чет жойлари ҳисобланарди. Илгарилари шаҳардаги бекорчи ва безори бойлар бу ерга чиқиб иввозлик ивоштиришарди. Сув камчил бўлганлиги учун экин экилмас, асосан ток ўстириларди. Ёз бўйи деҳқонларнинг боши сув жанжалидан чиқмасди. Тор ва қинғир-қийшиқ кўчанинг икки томонидан бирданига от-арава уёқда турсин, ҳатто эшак арава ҳам тўқнаш келиб қолса, ўтиб кетиш жуда мушкул эди. Илгари ўтганларга ҳайрон қоламан, нега десангиз, бир-иккита кичкина боққолчилик дўкони бўлган-ку, аммо бу ернинг номини Магазин мовзу деб қўйишган. Лекин аслини олганда эса, атрофдагиларнинг ҳаммаси арзимаган майда-чуйда учун ҳам шаҳарга тушишар эди.

Энличи? Бу ерларнинг қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Ҳар қадамда мактаб, яслі ва болалар боғчаси, ҳар бир ҳовлида водопровод колонкалари. Ҳозирги тротуарлар ота-бобаларимизнинг кўчасидан кенг. Инга чизилгандек қилиб бир текисда ўтказилган дарахтлар кўча ҳуснига-ҳусн қўшиб турибди. Ҳар бир ҳонадондан радио приёмникнинг ёқимли овози эшитилади. Бу жойлар айниқса кечасилари гўзаллашиб кетади. Маржондек тизилган электр лампочкалари атрофга Ильич нурларини сочади. Ҳамаёқ обод ва чароғон! Бу ерларга бир келиб, сайр қилиб кетинг. Шунда мен айтганлардан ҳам кўпроқ нарсаларни кўрасиз, худди парк ва боғларда юргандек ҳузур қиласиз, бор хордиқларингиз бир зумда чиқиб кетади.

Ҳа, албатта бир келиб кўринг!

А. ВОСИҚОВ, пенсионер.

ҚУВНОҚЛАР УЙИ

Бу бири-биридан бўлалик, бири-биридан қувноқ, бири-биридан ширин болаларни қаранг. Булар СССР Иўллар министрлигига қарашли Тошкент машинасозлик заводининг боғчасида яйраб-яшнаб тарбияланаётган бахтиёр ўғил-қизлар. Уларнинг ота-оналари ўз болаларининг ўйнаб-кулиб юришига ишонган ҳолда хотиржам ишлаб қайтадилар. Чунки болалар боғчасининг Антонина Ивановна Власова сингари серзавқ ва тажрибали тарбиячилари бу болаларни вақтида ухлатиб, вақтида овқатлантириб, вақтида ўйнатиб юрадилар.

Боғчада тарбияланувчилар учун ҳамма қулайликлар мухайё. Шинам безатилган ҳоналар, токлар, турли дарахтлар ва ранг-баранг гуллар билан ўралган соя-салқин боғча ёш бўғинининг рохатланиб ўсиши учун хизмат қилаётир. Боғчада 75 бола тарбияланаётир.

Суратда: Болалар сайир қилиб юрибди.

Республикамиз пойтахти-Тошкент совет ҳокимияти йилларида таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди, бутун-бутун янги районлар вужудга келди. Пойтахтнинг қайси бир ерига борманг, ҳамма ерда қатор-қатор қурилиш объектларини кўрасиз, бинолар кетидан бинолар, кварталлар кетидан кварталлар қад кўтармоқда, янги-янги кўчалар, проспектлар бунёд этилмоқда.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг мамлакатимизда уй-жой қурилишини ривожлантириш тўғрисидаги тарихий қароридан сўнг қурилиш ишлари кўлами тағин ҳам кенгайиб кетди. Буни лоақал Тошкентнинг шимолий саноат зонасида яққол кўриш мумкин. Қуйида ана шу ҳақда материаллар берилаётир.

КЎРКАМ ШАҲАРЧА

Тошкент! Бу кўҳна тарихий шаҳар қанчадан-қанча авлодларни кўрган. Неча-неча хонлар ва беклар, савдогарлар ва чиновниклар авлоди бу шаҳар меҳнаткашлари бошига не-не зулм ва заҳматлар тоши ёғдирмади, дейсиз. Улар ҳамма бойлик ва гўзалликларни яратувчи меҳнаткашларни, инсон ақли хайрон қоладиган том маънодаги мўжизалар яратувчи ижодкорларни вайрона кулбаларда, пастқам, қоронгу ва заҳкаш уйларда яшашга маҳкум этган эдилар.

Эндичи? Тошкент сўнгги 40 йил ичида таниб бўлмайдиган даражада барқ уриб яшнаб кетди. Бир ҳафтаси ўтмай кетадиган кишида тизза баравар лой бўлиб ётадиган тор ва эгри-бугри кўчалар ўрнига Муқимий, Навоий, Шота Руставели, Кисловодский сингари кенг проспектлар, кўҳнорихона ва қиморхоналар ўрнига маданият саройлари, кино-театрлар, мактаблар, клублар қурилди, жангчоҳлар ўрнига маданият ва истироҳат парклари, касалхоналар, поликлиникалар барпо этилди.

Шаҳар экономикаси ривожланганини айтмайсизми?

Завод кетидан фабрикаларнинг қурилиши натижасида шаҳар анча кенгайди, янги-янги поселкалар бунёдга келди. Пойтахтнинг аҳоли ўртасида «Рабочий городок» ва Магазин мовзу номлари билан танилган томонида сўнгги 3-4 йилнинг ўзида жуда катта ҳажмда қурилиш ишлари амалга оширилиб, Тошкентнинг шимолий саноат зонаси вужудга келтирилди. Қорасарой ва Чангал мовзулари ҳамда Ворошилов номли колхоз билан чегараланадиган бу зона каттагина территорияни ўз ичига олган. Бу ерда Иттифоқ аҳамиятига эга бўлган Иўллар министрлигининг машинасозлик заводи, «Главэкскаватор»нинг Тошкент машинасозлик заводи, скрепер, бульдозер ва канавакапателларни ремонт қиладиган ремонт экскаватор заводи, республикамиз колхоз, совхоз ва МТСларига катта ёрдам қилаётган ремонт-подшипник заводи, Мирзачўл қурилишларига кўплаб эшик, дераза ва бошқа дурадгорлик буюмлари тайёрлаб бераётган «Стройдеталь» заводи каби бир қанча корхоналар ишлаб турибди.



Саноат ва граждан қурилиши ҳамон кенг қўламда тез суръатлар билан олиб борилмоқда. Айниқса КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг мамлакатда уй-жой қурилишини ривожлантириш тўғрисидаги тарихий қароридан сўнг бошқа жойлардаги каби бу территориядаги қурилиш объектларида ҳам ишлар жуда жонланиб кетди.

Мана «Қизил партизан» кўчаси. Икки-уч йиллик теракларнинг кўмкўк барглари позик новдалари майин эсаётган шаббадада аста-аста тебраниб турибди. Кафтдек текис асфальтдан троллейбуслар, автобуслар ва турли енгил машиналар гизза-гизза катнаб турибди. Тахта ёғоч, ғишт, тунука, шифер каби бинокорлик материаллари келтираётган, заводларда тайёрланган маҳсулотларни ташиб кетаётган юк машиналари ҳам тез-тез учраб турали.

Кўчанинг ҳар икки томонида қад кўтарган қатор-қатор 2-3 қаватли уйларнинг верандаларида кампирлар, болалар ён-атрофни тамоша қилиб ўтиришибди. Кўча бўйлаб юриб ремонт-подшипник заводига яқинлашгач, машинасозлик заводи ходимлари кўчиб кирган икки қаватлик, 24 квартиралик уй биносини, яқиндагина пардоздан чиққан водоканал трести ишчи-хизматчилари учун қурилган бинони кўрасиз. Квартираларига ҳали кишилар кўчиб кириб улгурмаган бу уй қаторида 152-қурилиш трестининг бинокорлари ремонт-подшипник заводи буюртмаси бўйича қурилаётган 12 квартиралик уйнинг фундаментига бетон ёқизмоқдалар.

Шундан сал ичкарида бир туда ишчилар ўз кучлари билан қураётган уйнинг иккинчи қаватига ғишт тераяптилар. Айни вақтда биринчи қават томига эни бўйрадек узун темир-бетон блоклар ёпиштиришяпти. Бино деворининг энг баланд жойига: **«ХАЛҚ ҚУРИЛИШИ. Ажойиб ташаббус бошлаган горькийлик дўстларга раҳмат!»** деган шиор ёзилган қизил алвон осиб қўйилган. «Главэкскаватор» машинасозлик заводининг токари Ҳаким Одилов, қолипчиси Семен Славин, технолог Василий Теплов, пармаловчи Митхат Зинатуллин, экономист Вера Павлова каби бинокорлиқдан хабардор бўлмаган бирқанча ишчи ва инженерлар ўзлари кўчиб кирадиган уйни завқ-шавқ билан қурмоқдалар.

— Астойдил кириша киши ҳарбир ишнинг ҳам уддасидан чиқаркан, дейди Ҳаким ака, — Бир ўзим участка қураман десам икки йилсиз битказа олмаслигим турган гап, бунга қанча меҳнат, қанчадан-қанча материал ва анчагина пул керак. Завод қуриб берсин, деб ўтириш ҳам инсофдан эмас. Биз 12 киши биргалашиб ўз кучимиз билан уй қуришга келишдик. Завод зарур материаллар етказиб бераяпти, цехдаги дўстларимиз тез-тез ҳашарга келиб туришяпти. Ишни бошлаганимизга бир ойдан сал ошди, Октябрь байрамини янги квартираларда кутиб олиш учун ғайрат қилаётирмиз. Шундай улуғ айёмни ўз пешона теринг билан қурилган уйда нишонлаш қандай яхши.

Пойтахтимизнинг ҳавоси ороМбахш, манзараси гўзал, кишилари ижодкор шимолий саноат зонасида Ҳаким акалар сингари қурувчиларни кўплаб учратиш мумкин. Улар «Уй-жой танқислигини яқин йиллар ичида тугатайлик!» деган шиор остида зўр ғайрат ва шижоат билан ишламоқдалар.

З. ИСРОИЛОВ.

Суратда: кўп квартирали уй қурилишида ишлаётган тезкор ғишт терувчи Фаттоҳ Маннонов иш устида.

ҲАЙКАЛ

Янги чойхонада уч-тўрт мўйсафид,
Яйраб, гурунглашиб ўлтирар хушҳол.
— «Қутлуғ замон бўлди-а Абдумажид, —
Гапда давом этар чўққисеқол чол, —
Яқинда бу жойлар бўмбўш ер эди,
Кўринг, эндилиқда қиёфасини...
Бир қиш тўрам «боққа бориб нел» деди,
Мен сизга биродар айтсам ростини,
Шўрим қурийёзди, анаву жойда —
Завод биносидан сал беҳироқда.
Аравам синди-да тиз бўйи лойда,
Ботқоққа тиқилди... Одам қаёқда...
Ана шу қийноқда, хўп совуқотиб
Қолиб кетдим лойда кечаси билан.
От ҳам азоб чекди ботқоққа ботиб,
Ёрдам келди менга эртаси билан.
У кўрганларимиз туш бўлиб қолди,
Қаранг, энди гўзал қиёфасига,
Қишлоқ десам оз, шаҳар тусини олди
Қойилсан ҳур замон техникасига...»
Дарҳақиқат шундай. Лой кўчалардан
Асар ҳам қолмади,
Ҳаммаёқ асфальт.
Кундуз қуёш,
Тунда эса ой нури
Асфальт кўчаларда ўйнайди ялт-ялт.
Баланд, ҳашаматли оқ уйлар қатор,
Новқирон дарахтлар ташлайди соя.
Бахтиёр ишчилар қилар ифтихор
Уз шаҳри билан билонихоя.
Улар хизматида: — клуб, чойхона,
Кўркам шифохона, гулга тўлган боғ.
Ун йиллик қўш мактаб, кенг меҳмонхона,
Ҳаммом ва театр... ҳамма қалби чоғ.
Туни ҳам кундуздай, роҳат сайр этсанг,
Ильич шуъласидан порлайди уйлар.
Қари-ёш—барчаси ясанган башанг,
Очиқ дераздан янграйди куйлар...
Шаҳарни кезганда, қурувчи ўртоқ
Тўсатдан ўйланиб қоламан ҳар гал.
Омон бўл қурувчи!
Қурабер кўпроқ!
Ҳар бино ўзингга абадий ҳайкал!

Мавлон ИКРОМ.



Ремонт-подшипник заводи ишчилари ўзлари учун уй қурмоқдалар.

ИШЧИЛАР МИННАТДОР

Шаҳарчамизнинг қайси кўчасига кирсангиз у ерда янги-янги бинолар каторига катта-кичик типовой уйлар қурилаётганини кўрасиз. Бу уйларнинг кўпини қурилиш ташкилотлари давлат маблағи ҳисобига меҳнаткашлар учун қурмоқдалар. Бундан ташқари корхоналарда «Халқ қурилиши» йўли билан завод маблағига ўзлари учун ўз кучлари билан уй-жой курувчилар сони тобора ортиб бормоқда. Партия ва ҳукуматимизнинг яқинда чиқарган қарорида корхона фондининг ва олинадиган мукофотларнинг кўп қисмини уй-жой қурилишига сарфлаш ҳуқуқи берилганлиги бу ҳаракатнинг янада кенг авж олиши учун катта қудайлик туғдирди.

Биргина МПС машинасозлик заводи коллективи бу йил горькийликлар методи асосида 5 та кўп квартиралик уй қуради. Бу заводга поселкамиз зонасидан 10 гектар ер ажратиб берилди. Бу ерда юзлаб ишчилар ва инженер-техник ходимлар коллектив бўлиб ва якка тартибда уй-жой кўриб оладилар.

Ҳар бир завод маъмурияти, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари уй-жой қурилишини ривожлантириш учун нимаики талаб қилинса шуни амалга ошириш учун астойдил курашмоқдалар. Ҳозирги куннинг энг муҳим масалаларидан бири бўлиб қолган бу ишда қурувчиларга хартарафлама ёрдам берилмоқда.

Уй-жой қурилишини кенг авж олдириш, қурилиш муддатларини қисқартириш йўлида тўсиқлар йўқ эмас. Бинокорлик материалларига ёлчимаслик ишнинг белига тепаётир. Бу камчиликни бартараф қилиш мақсадида шу ердаги заводларда чиқарилаётган шлакдан, металл, ёғоч ва тахта чиқиндиларидан бинокорлик материаллари тайёрлаш йўлга қўйилмоқда. «Главэкскаватор»га қарашли машинасозлик заводида, 1-«Стройдеталь» заводида бу соҳада самарали ишлар қилинмоқда.

Бу йил Шимолий саноат зонаси территориясида ўтган йилдагига қараганда икки барвардан зиёд уй-жой қурилади. 1958 йилда эса бундан ҳам кўп қуриш мўлжалланаётир. Буларнинг ҳаммаси халқ фаровонлигини янада ошириш, Ватанимиз иқтисодий қудратини мустаҳкамлаш йўлида сабот-матонат билан курашаётган, меҳнатда қаҳрамонлик намуналарини кўрсатиб ишлаётган кишилар учун барпо этилади. Мана шунинг учун ҳам шаҳарчамиз ишчилари ўз тақдирларидан хурсанд, халқ ғўрисида тинмай ғамхўрлик қилаётган жонажон партия ва ҳукуматимиздан миннатдор.

С. АҲРОРОВ,

«Главэкскаватор» Тошкент машинасозлик заводининг бригада бошлиғи.

Т. ҒОЗИНАЗАРОВ,

Тўқимачилик институтининг ассистенти.

ҲУЗУР ШУЛАРНИКИ

Абдулла акалар уйи ҳар куни кечқурун ғавжум бўлади. Унинг катта ўғли иқтисодчи инженер Мидҳад яқинда кенг экранли «Знамя» телевизори олиб келди. Энди оила аъзолари янги кинофильмларни, концертларни уйда ўлтириб тамоша қилаётирлар.

Шарқ қўлёзмаларини ўрганиш соҳасида узоқ йил самарали ишлаган ва ҳозирда шахсий пенсия олаётган бу киши давлатнинг ғамхўрлиги ва фарзандларининг меҳрибонлиги соясида роҳат-фароғатда турмуш кечирмоқда. Улар давлат қуриб берган уйда яшамоқдалар. Суратда: Абдулла Носиров ўз оиласи билан телевизион эшиттиришни тамоша қилмоқда.

Р. Нишонов фотоси.



Шимолий саноат зонасининг магистрал кўчаларя ва муҳташам бино лари кўпайиб бормоқда. Суратда: (чапдан) Қизил партизан ва Жомий кўчаларининг умумий кўриниши.

Фотолар В. Саловники.

Ўқитувчиларнинг август кенгашлари

ОКТЯБРЬ РАЙОНИ

Тошкент шаҳар Октябрь район ўқитувчиларининг август методик кенгашида район халқ маорифи бўлимининг мудири ўртоқ Х. Қурбоновнинг «Ўқувчиларга политехника таълими беришни янада яхшилаш вазифалари», республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи ўртоқ В. Е. Клейнернинг «Рус тили ўқитувчилари республикаларо конференциясида қабул қилинган қарорнинг район мактабларида бажарилиши» ҳақидаги докладлари тингланди.

Докладчи ва музокораларда сўзга чиққан ўртоқлар 1956-1957 ўқув йилида район мактабларида ўқувчиларга политехника таълими бериш ва ўзбек мактабларида рус тилини ўқитиш бирмунча яхшиланганини, айниқса политехника таълимини жорий қилиш соҳасида илгариги йилларга қараганда яхши натижаларга эришилганини, айтиб ўтдилар. Ўқув процессида политехника таълимини жорий қилишда райондаги 76-мактаб ўқитувчиси Егоров, 102-мактаб ўқитувчиси Захаров, 106-мактаб ўқитувчиси Хўжаев ва бошқа бир қатор мактаб ўқитувчилари юқори ўзлаштириш бердилар. Булар дарс бериш процессида ҳар бир темаднинг назарий қисмини практик машғулот билан боғлаб, кўргазмали қуроллар асосида ўтказишга, ўқувчиларнинг чуқур билим олишларига эришдилар.

Лекин райондаги 85, 29, 36, 39, 77 ва бошқа бир қатор мактабларда политехника таълимининг қўйилиши, рус тилининг ўқитилиши ҳозирги кунниг талаби даражасида эмас. Бу мактабларда устаханалар ташкил этилмаган, ўқувчиларга назарий билим бериш практик машғулотлар билан боғлаб олиб борилмайди. Районда шундай мактаблар ҳам борки, уларда политехника таълимини ҳар томонлама кенг жорий қилиш имконияти бўлгани ҳолда мавжуд шароитдан фойдаланилмай келмоқда. 41-мактабда 9 станок олинганидан бери бекор турибди. 85-мактаб (директори Ўртоқ Яминов)нинг катта экин майдони айрим шахсларга беда экиш учун ижарага берилган. 95, 83-мактабларнинг катта майдонлари қаровсиз ҳолда ётибди.

Кенгашда райондаги айрим мактабларда ўқув процессига политехника таълимини жорий қилиш, фан, техника тўгаракларя ташкил этиш соҳасидаги жиддий камчиликлар фактлар асосида танқид қилинди.

Райондаги ўзбек мактабларида рус тилини ўқитишда эришилаётган муваффақиятлар билан бир қаторда йўл қўйилаётган камчиликлар ҳам очиб ташланди.

З. ШОКИРОВ.

ПАРКЕНТ РАЙОНИ

27-28 август кунлари район ўқитувчиларининг кенгаши бўлиб ўтди. Кенгаш қатнашчилари район халқ маорифи бўлими мудирининг вазифасини вақтинча бажарувчи ўртоқ И. Камалиевнинг «Умумий-мажбурий таълимни амалга оширишда район халқ маорифи ва мактаб ходимларининг вазифалари», Карл Маркс номли ўрта мактаб директори ўртоқ Файзуллаевнинг «Мактабларда политехника таълимини амалга ошириш, гигиена ва санитария ишларини яхшилаш» темаларидаги докладларини тингланб, муҳокама қилдилар.

Бу икки масала юзасидан 15 киши сўзга чиқди. Докладчилар ва музокараларда қатнашган ўртоқлар районда халқ маорифи ишлари яхшиланаётганлигини, мактаб тармоқлари кенгаяётганлигини, политехника таълимини жорий қилишда катта муваффақиятлар қўлга киритилаётганини таъкидлаб ўтдилар. Бу йил Сталин номли колхоз аъзолари янги мактаб биноси қуриб бердилар. Хисарак қишлоғидаги «КИМ» тўлиқсиз ўрта мактаби кенгайтирилиб ўрта мактабга айлантирилди. Будённий номли, Навоий номли мактабларда ўқувтарбия ишлари яхши йўлга қўйилган. Мактабларнинг политехника базаси мустаҳкамланиб бормоқда. Райондаги 7 мактабда йирик устаханалар ташкил этилган. Бу эса ўқувчиларнинг меҳнатга муҳаббатини ошириш катта роль ўйнамоқда.

Шу билан бирга кенгаш қатнашчилари районда халқ маорифи соҳасида бир қатор жиддий камчиликлар борлигини ҳам кўрсатиб ўтдилар. Жумладан, Ленин номли ўрта мактабда (директори ўртоқ Мусаев) ўқув-тарбия ишлари яхши йўлга қўйилмаган. Бу мактабда ўқиётган болалар учун тожик тилидаги дарсликлар етказиб берилмаган. Карл Маркс номли, Ҳамза номли мактабларда ёзги каникул даврида 8-9 синфда ўқиётган кўпгина қизларнинг турмуша чиқиб кетишига йўл қўйилган.

Кенгаш қатнашчилари янги ўқув йилида таълим-тарбия ишларини янада яхшилаш, мактаб ёнидаги бирорта боланинг ўқишдан четда қолмаслигини таъминлаш тадбирларини белгилаб олдилар.

Ю. БАҲОДИРОВ.

Театрнинг янги мавсуми бошланди

Максим Горький номидаги давлат рус драма театри коллективи янги тамошалар мавсумини бошлаб юборди. Театр мавсумни Хитой драматурги Цао Юйнинг «Тайфун» деган асарини кўрсатиш билан очди.

Пойтахт тамошабинлари бу мавсум давомида театрнинг ижодий коллективи саҳналаштирган қизиқарли спектакларни тамоша қиладилар. Театр репертуарида мустаҳкам ўрин эгаллаб келаётган «Кана» (В. В. Маяковский асари), «Биринчи баҳор» (Г. Николаева ва С. Радзинский асари) сингари спектакллар ана шулар жумласидандир. Шунингдек, театр тамошабинларга манзур бўлаётган «Аккация гуллаганда», «Паранжи сирлари» деган спектакларни ҳам кўрсатади.

Театр коллективи бу мавсумда янги асарларни саҳналаштириб, ўз репертуарини бойитади. Яқин кунлар ичида театр М. Горькийнинг «Клим Сангиннинг ҳаёти» трилогияси асосида ишланган инсценировкани тамошабинларга тақдим этади. Асарни драматург П. Чекунов инсценировка қилган. Бундан ташқари, театрнинг ижодий коллективи драматург Баҳром Раҳмоновнинг ўзбек интеллигенцияси ҳаётидан олиб ёзган янги пьесасини ҳам ўз репертуарига киритишни планлаштирган.

Чет элларда

КХДР Олий халқ мажлисига бўлган сайловларнинг якунлари

ПХЕНЬЯН, 29 август. (ТАСС). Корея Халқ Демократик Республикасининг Олий халқ мажлисига шу йил 27 августда бўлиб ўтган сайловларнинг якунлари тўғрисида Марказий сайлов комиссиясининг ахбороти бугун эълон қилинди. Ахборотда айтилишича, 215 сайлов округининг ҳаммасида сайловчиларнинг рўйхатига киритилган барча сайловчиларнинг 99,99 процента қатнашган. Овоз беришда иштирок қилган барча сайловчиларнинг 99, 92 процента ҳар бир сайлов округида сайлов комиссиялари томонидан рўйхатга олинган депутатликка кандидатлар учун овоз берган.

Марказий сайлов комиссияси сайловларнинг сайловлар тўғрисидаги низомга қаттиқ риоя қилинган ҳолда ўтказилганлигини билдиради.

Бугун КХДР ташқи ишлар министри Нам Ир матбуот конференцияси чақирди. Матбуот конференциясида қардош мамлакатларнинг элчилари ва ишончли вакиллари, шунингдек чет эл журналистлари ҳозир бўлдилар. Нам Ир йиғилганларга халқ ҳокимияти олий органига бўлган сайловларнинг натижалари тўғрисида ахборот берди.

КХДР ташқи ишлар министри таъкидладики, корейс халқи сайловларни сиёсий ва меҳнат ғайрати гоят ошган вазиятда, энг шонли байрам сифатида кутиб олди. 215 сайлов округининг ҳаммасида сайловлар муваффақият билан ўтди. Сайловлар сайловлар тўғрисидаги низомга мувофиқ суратда ўтди. 215 кандидатнинг ҳаммаси сайланди.

Ўтказилган сайловлар, деди яна Нам Ир, ватанни тинч йўл билан бирлаштириш ва мамлакатнинг шимолий қисмида социализм қурилишидан иборат буюк иш учун курашга отланган халқимизнинг сиёсий ва гоявий бирлиги янада мустаҳкамланганлигини яна бир марта намойиш қилиб кўрсатди, шунингдек халқимизнинг Корея Меҳнат партияси ва республика ҳукуматининг сиёсатини тўла қўллаб-қувватлаётганлигини намойиш қилиб кўрсатди.

Венгрия Халқ Республикасининг ҳукумат делегацияси Қоҳирага келди

ҚОҲИРА, 29 август. (ТАСС). Ташқи ишлар министрининг ўринбосари Карой Сарка бошчилигида Венгрия Халқ Республикасининг ҳукумат делегацияси Қоҳирага келди. Кеча делегация аъзоларини Миср ташқи ишлар министри Маҳмуд Фавзий қабул қилди. Делегация аъзолари Маҳмуд Фавзий билан дўстона суҳбат қилдилар.

Мисрнинг барча газеталари Венгрия ҳукумат делегациясининг келишини ёритмоқда. Газеталар делегация «Венгрия масаласи» деб аталган масаланинг моҳиятини Миср ҳукуматига тушунтириш мақсадида келди, деб ёзмоқда. Ғарбдаги мамлакатлар шу масалани БМТ Бош Ассамблеясида муҳокама қилдирмоқчилар. Шу билан бирга, матбуот Миср сингари Венгарияга ҳам империалистик аралашувга қарши кураш олиб боришга тўғри келади, деб таъкидламоқдалар. Газеталар, Венгрия делегациясининг бошлиғи Сарканинг сўзларини келтирадилар. У ўз сўзида қуйидагиларни кўрсатиб ўтди: Миср ва Венгрия ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилаётган ва империализмнинг шу мамлакатларнинг озодлиги ва мустақиллигига ҳамла қилишига қарши кураш олиб бораётган икки мамлакатдир.

Венгрия ҳукумат делегацияси Мисрга келишидан олдин Ҳиндистон, Индонезия, Бирма ва Цейлонда бўлиб, бу мамлакатларнинг раҳбар арбоблари билан суҳбатлашди. Делегация Судан, Сурия ва Тунисга ҳам боради.

ҚОҲИРАДАГИ ЯМАН МИССИЯСИ ВАКИЛИНИНГ АЙТГАНЛАРИ

ҚОҲИРА, 29 август. (ТАСС). Қоҳирадаги Яман миссиясининг вакили, Англия самолётлари Яманнинг жанубий районларини вахшийларча бомбардировка қилишни давом эттирмоқдалар, деб айтган.

Яман подшоси Имом Аҳмаддан миссия томонидан олинган телеграммада бундай дейилади: 27 август эрталаб Англиянинг 4 та оғир бомбардировкачи самолёти Шукейр районига ҳужум қилиб, портловчи ва ёндирувчи бомбалар ташлади ҳамда турар уйларни ракеталар билан ўққа тутди. Шу куни кечқурун инглиз самолётлари қўшни тоғлик районларни бомбардировка қилдилар ва ракеталар билан ўққа тутдилар. Иморатлар вайрон бўлди ва аҳоли ўртасида қурбонлар бор.

Токиода регионал географик конференция

ТОКИО, 29 август. (ТАСС). Бугун Токиода халқаро географик союзи ва Япония илмий кенгаши томонидан ташкил этилган регионал географик конференция очилди. Конференция территорияларни ўзлаштириш, Осиё районларининг экономикаси ва транспортини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган жуда кўп масалаларни муҳокама қилади. Конференция ишларида 20 мамлакатнинг вакиллари, шу жумладан Япония, СССР, АҚШ, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатларнинг вакиллари қатнашмоқда.

Совет делегациясининг раҳбари академик И. П. Герасимов биринчи мажлисда ер қимирлаш прогнозларини тузиш методлари тўғрисида доклад қилди. Унинг доклади Япония ва Осиёдаги бошқа мамлакатларнинг олимлари томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди.

ПЛЕВЕН ОЗОД ҚИЛИНГАН КУННИНГ 80 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАНТАНАЛАР

ПЛЕВЕН, 29 август. (ТАСС). Бугун байрам тусида безатилган Плевен шаҳрида Плевна (Плевен)нинг оттоман империяси зулмидан озод қилинганига 80 йил тўлиши муносабати билан халқ тантаналари ўтказилди. Эрталаб ўн мингдаб меҳнаткашлар бу тарихий кунга бағишланган митингга келдилар. Митингга Болгария Компартияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолигига кандидат, халқ мудофааси министри П. Панчевский, Болгария Компартияси Марказий Комитетининг секретари Данчо Димитров, ташқи ишлар министри Карло Луканов ва бошқа давлат, партия ҳамда жамоат арбоблари, совет ва румин делегацияларининг аъзолари, СССР ва Руминиянинг Софиядаги элчилари келдилар.

Митингда Ватан фронти Миллий кенгаши ижроия комитети раисининг ўринбосари Цола Драгойчева, совет делегациясининг аъзоси В. М. Лайок ва Руминия делегациясининг аъзоси Александру Параскив сўзладилар.

Бу ерда ҳарбий парад ҳам бўлди. Шундан кейин, ҳалок бўлган рус жангчиларининг мақбарасига кўп гулчамбарлар қўйилди. 1877 йилда Плевнанинг озод қилиниши музейи паркида Гривица қишлоғи ёнидаги жангларда ҳалок бўлган румин командирлари генерал Кристодор Черкез ва капитан Николае Мирчинян-Валтерга ҳайкаллар очилди.

—⊙—

ФУТБОЛ

„Пахтакор“ суст ўйнади

Кеча «Пахтакор» стадионида мамлакат биринчилиги учун «Б» класс бўйича навбатдаги футбол мусобақаси бўлиб ўтди. Тошкентнинг «Пахтакор» командаси «Нефтяник» (Уфа) футболчилари билан ўйнади.

Дастлаб шуни айтиш керакки, «Пахтакор» командасининг ҳужумчилари асосан суст ўйнадилар. Айниқса тажрибали ҳужумчилар Боркин, Мақсудов ва ёш футболчи Бағдасарянц ўртоқлар мутлақо ташаббус кўрсатмадилар. Улар жуда кўп қулай фурсатларни бой бердилар.

Ўйиннинг 7-минутида ҳужумчи Моторйнинг анча олислан тепган тўпи тасодифан қарши томон дарвозасига кириб кетди. Шундан кейин айрим қизғин мамонтлар бўлишига қарамай ҳисоб ўзгармади. Ўйин 1:0 ҳисоби билан тошкентликлар фойдасига ҳал бўлди.

ХРОНИКА

СССР Олий Совети Президиуми ўртоқ Вячеслав Михайлович **Молотовни** СССРнинг Мўғулистон Халқ Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси қилиб тайинлади.

СССРнинг Мўғулистон Халқ Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси вазифасида бўлган ўртоқ Василий Ильич **Писарев** Мўғулистон Халқ Республикасида СССР элчихонасининг маслаҳатчи-вакили қилиб тайинланди.

Тошкентдаги «Шарқ гули» артели коллективи шу корхонанинг кекса мастери Зиёд Ҳакимовнинг пенсияга чиқишини тантанали равишда нишонлади. Ўртоқ Ҳакимов 27 йиллик иш фаолияти даврида ўз вазифасига доим масъулият билан қараб келди, ёшлардан жуда кўп ишбилларман кадрлар тарбиялаб етиштирди. **Суратда:** артель раиси ўртоқ **Н. Муслимова** механик **З. Ҳакимовга** мукофот топшириб қолда. **М. Турсунхўжаев ва Р. Нишонов** фотоси.

Дўстлик карнавали

Бугун ва эртага Сталин номли маданият ва истироҳат паркида бўладиган шаҳар ёшларининг иккинчи карнавали «Улуғ Октябрь социалистик революциясининг шонли 40 йиллик юбилейини муносиб кутиб олайлик!» деган шиор остида ўтказилади.

Пойтахтдаги саноат корхоналари, олий ўқув юртлари ва мактабларда карнавалга яхши тайёргарлик кўрилди. Йигит ва қизлар турли хил маскалар кийиб, дўстлик кечасида карнавал программаси бўйича янги ўрганган кўшиқ, ўйин, декламацияларини ижро этадилар. Карнавалда моҳир ва ёпчил спортчиларнинг чиқишлари ҳам бўлади.

Паркнинг марказий майдончалари ҳамда сув станциялари айниқса гавжум бўлади. Бу ерлар Қишки Саройни эслатувчи объектларга айлантирилади. Бунинг учун махсус декорацияслар тайёрланади. Қишки Саройни 1917 йил октябрида штурм билан олиш воқеаларини акс эттирадиган номерлар карнавал программасида марказий ўрин тутади.

Сув станциясидан берилган «Аврора»нинг қучли садолари бир зумда ҳаммаёқни «ларзага» келтиради. «Буревестник» сув станциясига (бу ерда Қишки Саройнинг фасади бўлади) революция жангчиларининг актив ҳужуми бошланади. Ишчи-деҳқон солдатларнинг кучи билан олинган Қишки Сарой пешгоҳида «Ҳокимият Советларга!» деб ёзиб қўйилган қизил байроқ мағрур ҳилпирайди. «Ура» садолари тўхтовсиз эшитилиб туради. «Интернационал» қўшиғининг улуғвор оҳанги авжга минади. Ҳамма шоду-хурсанд. Шу пайт прожектор нурлари мовий осмонни янада ёритиб юборади. Доҳи В. И. Ленин портрети аста юқорига кўтарилади. Прожектор нурлари портретни бир неча минут ёритиб туради.

Рад о карнавалидан шоир Маяковскийнинг «В. И. Ленин» поэмасининг жўшқин сатрлари ёқимли ва шўх музика мелодияси билан ҳамоҳанг бўлиб ҳаммаёққа таралади. Кўп ўтмай, революцион қўшиқ янграйди.

Тематик программали концерт бошланади. Бу концерт бадиий ҳаваскорлик тўгараги аъзоларининг чиқишидан иборат. Революцион қўшиқлар ҳамда гражданлар уруши маршлари ҳозирги замон қўйлари билан алмашиб туради.

Бу бўлимда тарихий-революцион темаларга бағишланган драматик асарлардан парчалар ҳам кўрсатилади.

Паркда оммавий сайил бошланади. Карнавал қаҳрамони Насриддин Афанди паркка эшаги билан кириб келади. Унинг қўлида бир талай совға. Бу совғалар энг яхши костюм, маска ва гремларга бериладиган конкурс мукофоти учун олиб келинган.

Карнавалнинг «Бахтли ҳаёт ва халқлар дўстлиги» деган қисми бадиий ҳаваскорларнинг чиқиши билан бошланади. Интермедия, шунингдек сатирик ва юмористик номерлар ижро этилади.

Карнавал кунларида паркдаги барча савдо тўкалари, дам олиш майдончалари меҳмонлар хизматида бўлади. Сайиллар мушакбозлик билан тамом бўлади.

А. АЛИЕВ.

Саъдулла АБДУЛЛАЕВ

Шу йил 30 август куни область партия комитети аъзолигига кандидат, область Советининг депутати, Ўзбекистон КП Тошкент район комитетининг собиқ биринчи секретари, 1941 йилдан буён КПСС аъзоси Саъдулла Абдуллаев узоқ давом этган оғир касалликдан кейин вафот этди.

Саъдулла Абдуллаев 1911 йилда Тошкент шаҳрида туғилди. Ўртоқ Абдуллаев ўрта мактабни тамомлагач аввал ўқитувчи, кейин эса партия ва совет ташкилотларида раҳбарлик вазифаларида ишлади. У, Тошкент шаҳар Москва район партия комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири, Тошкент область партия комитетининг инструктори, Тошкент шаҳар Сталин район ижроия комитетининг раиси, Пискент район партия комитетининг аввал иккинчи ва сўнг эса биринчи секретари вазифаларида ишлади.

Ўртоқ Абдуллаев 1951 йилда Ўзбекистон КП Марказий Комитети ҳузуридаги Республика партия мактабини тамомлагач, Юқори Чирчиқ район ижроия комитетининг раиси қилиб сайланди, 1957 йилнинг мартида эса Ўзбекистон КП Тошкент район комитетининг биринчи секретарлигига сайланди.

Ўртоқ Абдуллаев принципиал раҳбар, яхши ташкилотчи, ҳушёр ўртоқ эди.

Совет ҳукумати ўртоқ Абдуллаевнинг Ватан ва халқ олдидаги хизматларини юксак баҳолаб, уни Ленин ордени ва медаллар билан мукофотлади.

Саъдулла Абдуллаевнинг хотираси бизнинг қалбимизда узоқ вақт сақланади.

БИР ГРУППА УРТОҚЛАРИ.

Малайя мустақиллигининг эълон қилиниши

Бугун Англиянинг Шарқи-Жанубий Осиёдаги Малакка ярим оролига жойлашган Малайя мустамлакаси конституциялм монархия — мустақил давлат деб эълон қилинади.

1957 йилда ўтказилган аҳоли рўйхатига биноан Малайяда 6.276 минг киши бўлиб, улар малайяликлардан (45 процент), хитойлардан (45 процентга яқин) ҳамда ҳиндлардан (10 процент) иборатдир. Малайя пойтахти — Куала-Лумпур шаҳрида 315 минг киши яшайди.

Каучук ва қўрғошин мамлакатнинг асосий табиий бойликларидир. Малайя бутун жаҳонда етиштирилаётган каучукнинг 35-40 процентини ҳамда капиталистик дунёда қазиб чиқарилаётган қўрғошиннинг тахминан учдан бир қисмини беради.

Малайя тўрт асрдан кўпроқ вақт давомида дастлаб Португалиянинг, сўнгра Голландиянинг ва ниҳоят Англиянинг мустамлакаси бўлиб келди. Малайя инглизлар ҳукмронлиги даврида Англия учун ҳомашё етказиб берадиган энг муҳим ўлкаларнинг бири эди. Малайяда қазиб чиқарилаётган қўрғошиннинг 70 процентидан кўпроғи ҳамда каучукнинг 60 процентдан кўпроғи инглиз монополиялари қўлидадир. Инглиз капиталистларининг ҳар йили Малайяда олаётган фойдаси 300 миллион доллардан ҳам кўпроқдир.

Англиянинг Малайяга мустақиллик бераётганлиги мустамлакачиларнинг Малайя халқига тортиги эмас. Малайя халқи узоқ йиллар мобайнида ўз миллий-озодлиги йўлида мустамлакачилик режимига қарши курашиб келди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида япон оккупациясига қарши олиб борилган кураш Малайя халқининг сиёсий онгини анча ўстирди ҳамда миллий-озодлик ҳаракатининг юксалишига ёрдам берди. Сўнгги даврда Малайя ватанпарварлари ўз мамлакатларига сиёсий мустақиллик берилишини талаб қилиб чиқдилар. Бироқ урушдан сўнг Малайяга қайтиб келган инглиз маъмурлари мустамлака ҳукмронлиги системасини тикладилар.

Улар ўзларининг мустамлакачилик сиёсатини ниқоблашга уриниб, 1948 йилда Малайя князликлари федерацияси тузилганлигини эълон қилдилар. Айни вақтда Малайянинг энг катта шаҳри ҳамда озодлик ҳаракати маркази — Сингапур алоҳида мустамлака қилиб ажратиб қўйилди. Бироқ Малайя халқи мустамлакачилар планининг моҳиятига дарҳол тушуниб олди ҳамда бу планга қарши курашни қизитиб юборди. Инглизлар мамлакатда фавқулодда ҳолат тўғрисидаги қонунни жорий қилиш билан жавоб бердилар. Бу қонунга мувофиқ Малайя қаттиқ террор ўчогига айланди.

Инглизлар Малайядаги миллий-озодлик ҳаракатини бостира олмадилар. 1949 йилда мамлакатда миллий-озодлик армияси тузилди. Инглизлар унга қарши катта ҳарбий кучларни ташладилар. Миллий-озодлик армиясига қарши олиб борилган жангларда инглиз мустамлакачиларнинг 40 минг кишилик мунтазам қўшинлари, авиация, полиция ҳамда ёрдамчи отрядлари— жами 300 мингга яқин киши қатнашди. Бироқ шунга қарамай, инглизлар ўтказган операциялар ўша вақтда ҳам, ундан кейинги йилларда ҳам муваффақиятли бўлиб чиқмади.

Мустамлакачилар ўз ҳукмронликларини зўравонлик билан сақлаб қолиш мумкин эмаслигига қаноат ҳосил қилиб, музокаралар олиб боришга мажбур бўлдилар.

1955 йил декабрда Малайянинг расмий маъмурлари билан миллий-озодлик армияси вакиллари ўртасида урушни тўхтатиш ҳамда тинч йўл билан мустақил малайя давлатини барпо қилиш тўғрисида музокаралар бўлиб ўтди. Малайянинг расмий маъмурлари билан инглизлар тил бириктирган эдилар. Инглизлар тутган позиция туфайли музокаралар барбод бўлди.

1956 йил январь-февралда Лондонда Англия ҳукумати билан Англияга нисбатан лоял бўлган Малайя маъмурлари вакиллари ўртасида Малайяга мустақиллик бериш тўғрисида янги музокаралар бўлиб ўтди. Музокаралар натижасида Англия ҳукумати 1957 йил 31 августда Малайя федерациясига мустақиллик ҳамда Британия миллатлар ҳамкорлигида доминион статуси беражаги тўғрисида келишилди. Бироқ, бу инглиз-малайя «мудофаа шартномаси» тузиш ҳамда Малайя территориясида инглиз қўшинларини ва ҳарбий базаларини сақлаб қолиш шарти билан боғлиқ қилиб қўйилди. Англиянинг аввалгидек Малайя федерацияси экономикасини назорат қилиб туриши ҳам кўзда тутилган эди. Ниҳоят, инглизлар Малайя давлатининг конституциясини шундай қилиб тузидилар ва тасдиқладиларки, натижада бу конституция, «Дейли Телеграф энд Морнинг Пост» деган инглиз газетасининг ёзишича, Малайянинг Англияга нисбатан лояллигини таъминлаши лозим. Малайяда қолаётган инглиз қўшинлари халқ ўртасида катта обрў қозонган ҳамда мамлакатда миллий-озодлик армияси тузиш ташаббускори бўлган Малайя Коммунистик партиясига қарши курашни давом эттиради. Бундан ташқари Англия Малайяни Шарқи-Жанубий Осиёдаги агрессив ҳарбий блок — СЕАТОга қўшишни қаттиқ талаб қилмоқда.

Малайя мустақиллигининг ана шундай шартлар билан эълон қилинаётганлиги бу мамлакатнинг чинакам мустақилликка эришиш йўлидаги дастлабки қадамдир, албатта. Ҳозирнинг ўзидаёқ Малайянинг кўпгина партиялари ва жамоат ташкилотлари мамлакатдан инглиз қўшинларини олиб чиқиб кетишни, инглиз базаларини тугатишни, компартияни таъқиб қилишни тўхтатишни талаб қилмоқдалар. Бутун малайя ислом партияси, Малайя меҳнат партияси ҳамда Малайя ишчи партияси ҳам Малайянинг СЕАТОга қўшилишига ҳамда инглиз қўшинларини жойлаштиришга қарши бўлиб чиқмоқдалар. Малайя федерациясининг бош министри Абдул Раҳмон, бизнинг мамлакатимиз ҳарбий фактлардан четда бўлади, деди. Абдул Раҳмон Малайя мустақил деб эълон қилингач, унинг бош министри бўлади.

Малайя мустақиллигининг эълон қилинаётганлиги — бутун Малайя халқининг мустамлакачиларга қарши узоқ йиллар қаттиқ кураш олиб борганлиги натижасидир. Бироқ Малайя халқи инглизлар ҳукмронлиги қолдиқларини тугатиш ҳамда чинакам сиёсий ва иқтисодий мустақилликка эришиш йўлида ҳали кўп қийинчиликларни енгиб ўтиши лозим.

Л. ВОЛЬНОВ.

ТЕАТРЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 31/VIII да **Ганг дарёсининг қизи.** 1/IX да (Муқимий театрининг қишки биносида) — **Ганг дарёсининг қизи.**

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 31/VIII да **Жизель,** 1/IX да кундуз **Қизил гул («Аленький цветочек»).**

КИНОТЕАТРЛАРДА:

«ИСКРА» (қишки) — 1 ва 2-залда кундуз ва кечқурун **Зўр машаққат билан,** 3-залда кундуз ва кечқурун **Координатлари номаълум.** 1-залда кундуз соат 1 да, кеч 6 ярим ва 8-20 минутда **Биринчи севги қиссаси.**

«ЁШ ГВАРДИЯ» — эрталаб соат 10 да **Солдатлар,** кундуз ва кечқурун **Севги ва кўз ёши.**

«ЎЗБЕКИСТОН» — кундуз ва кечқурун **Севги ва кўз ёши,** кеч соат 10 да **Дульская хонимнинг ахлоқи.**

«ИСКРА» (ёзги) — кеч соат 8 яримда **Севги ва кўз ёши,** кеч 10 яримда **Зур машаққат билан.**

КАФАНОВ номли — кеч соат 9 да **Севги ва кўз ёши,** кеч 11 да **Координатлари номаълум.**

«САЛЮТ» — кеч соат 8-15 минут ва 10-15 минутда **Севги ва кўз ёши.**

Ўзбекистон КП Тошкент область комитети область партия комитети аъзолигига кандидат. Тошкент район партия комитетининг собиқ биринчи секретари **Саъдулла АБДУЛЛАЕВнинг** узоқ давом этган оғир касалликдан кейин шу йил 30 август куни вафот этганини чуқур қайғу билан билдиради ва марҳумнинг оиласига таъзия изҳор қилади.

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Совети ижроия комитети область Советининг депутати **Саъдулла АБДУЛЛАЕВнинг** узоқ давом этган оғир касалликдан кейин шу йил 30 август куни вафот этганини чуқур қайғу билан билдиради ва марҳумнинг оиласига таъзия изҳор қилади.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 132. Маданият бўлими — 132. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040, Қишлоқ хўжалик бўлими — 135, Саноат ва транспорт бўлими — 34048, Хатлар бўлими — 156, Маҳаллий ахборот бўлими — 135. Секретариат — 34048. Эълонлар бўлими — 38142.

Р. 06212. «Қизил Ўзбекистон, «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. № 1879.